

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАРИХ ВА ҲУҚУҚ ФАКУЛЬТЕТИ

ҲУҚУҚШУНОСЛИК КАФЕДРАСИ

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу: «ФУҚАРОЛАР ХУСУСИЙ МУЛК ҲУҚУҚИ ВУЖУДГА
КЕЛИШИ ВА БЕКОР БЎЛИШИНИНГ
ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ»**

Бажарди:

Тарих ва ҳуқуқ факультетининг
IV курс талабаси Мухаммадсайд Абдулло

Илмий рахбар:

«Ҳуқуқшунослик» кафедраси
профессори в.б.
ю.ф.д. Р.Ж.Матқурбанов

Битирув малакавий иши кафедрада
муҳокама қилинди.

(__ сонли баённомаси __ __ 2015 йил)

Кафедра мудири в.б. _____ И.Матжанов

МУНДАРИЖА:

КИРИШ.....3-4

**I БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ФУҚАРОЛАР
ХУСУСИЙ МУЛК ҲУҚУҚИНИНГ ТАБИАТИ ВА МАЗМУНИ.....5**

1.1 Хусусий мулк ҳуқуқининг вужудга келиши ва ривожланиши.....5-22

1.2 Фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқининг тушунчаси ва мазмуни.....22-43

**II БОБ. ФУҚАРОЛАР ХУСУСИЙ МУЛК ҲУҚУҚИНИ БЕКОР
БЎЛИШ АСОСЛАРИ.....44**

**2.1 Фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқини бекор бўлиш асосларига умумий
тавсиф ва ихтиёрий тартибда бекор бўлишининг ўзига хос
хусусиятлари.....44-52**

**2.2 Фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқини мажбурий тартибда бекор бўлиш
асослари.....52-69**

ХУЛОСА.....70-71

Фойдаланилган адабиётлар.....72-82

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш вазифаси республика қонунчилигини тубдан қайта қуришни тақозо этди. 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини, сиёсий жихатдан қурилишининг асосий томонларини тартибга солиш бўйича тамоман янгича ёндашувни белгилаб берди.

Бунинг давоми сифатида Президентимиз 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир¹, .. деб алоҳида таъкидлап ўтди.

Маълумки, жамиятнинг иқтисодий негизини мулк ташкил этади ва шундан келиб чиққан ҳолда унинг ижтимоий-иқтисодий тузилиши белгиланади. Асосий қонунимизнинг 36-моддасида “ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли”лиги кўрсатилиб шахсларнинг мулкка бўлган ҳуқуқи конституциявий меъёр даражасига кўтарилди ҳамда муҳим иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлардан бири сифатида эътироф этилди. Мулк муносабатлари ҳам янгиланаётган жамиятимизнинг асосий эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ҳал этилди. Конституциянинг 53-моддасига мувофиқ “Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат барча мулк шаклларида тенг ҳуқуқлигини ва ҳуқуқий жихатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.” Барча мулк шакллари орасида хусусий мулкка алоҳида эътибор қаратилди ва 53-модданинг 2-қисмида “хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир” деб белгиланди. Мамлакатимиз Президенти И.А. Каримов ҳам иқтисодиётни эркинлаштириш борасидаги асосий вазифалардан бири сифатида “мулкдорлар синфини шакллантириш масаласини тубдан ҳал этиш лозим. Бошқача айтадиган бўлсак, биз ўз олдимизга қўйган

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик янгилаш ва модернизация қилишига қаратилган тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириш – бош мақсадимиздир. Халқ сўзи газетасининг 2014 йил 6 декабрь сони.

мақсадни – хусусий мулкчилик етакчи ўринда турадиган кўп укладли иқтисодийётни барпо этиш мақсадини амалга оширишимиз керак”² деб таъкидлайди.

Фуқаролик ҳуқуқида мулк ҳуқуқи, унинг вужудга келиши ва бекор бўлиши бўйича С.С. Алексеев, И. Анортоев, У.А. Арипжанов, С.Н. Братусь, М.Х. Боротов, А.В. Венедиктов, Д.М. Генкин, И.Б. Зокиров, О.С. Иоффе, С.М. Корнеев, О.А. Красавчиков, В.Н. Литовкин, Д.И. Мейер, О. Оқюлов, В.П. Мозолин, И.Б. Новицкий, И.С. Претерский, В.А. Рахмилович, Х.Р. Рахмонқулов, Ш.Н. Рўзиназаров, А.А. Рубанов, А.П. Сергеев, Е.А. Суханов, Ю.К.Толстой, Р.О. Халфина, Б.Б. Черепяхин, Г.Ф. Шершеневичларнинг асарларидан тадқиқотнинг назарий асосини яратишда фойдаланилди.

Республикамызда ушбу мавзу жуда ҳам кам илмий-тадқиқот объекти бўлганлигини эътироф этиш ўринлидир. Мустақилликка эришганимыздан сўнг фақат Х.Т. Азизов фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқининг объектларига доир муаммоларни ўрганган. Шундан ҳам кўриниб турибдики, ҳозирги вақтгача мамлакатимызда фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқини кенг кўламда ўрганишга қаратилган махсус монографик характердаги илмий-тадқиқотлар амалга оширилмаган.

Бозор иқтисодиёти фуқароларни иқтисодий фаолликка чорлайди, ўз мулкидан фойда олиш мақсадида самарали фойдаланиш, қонун томонидан рухсат берилган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш имкониятини тақдим этади. Мазкур ўзгаришлар уларнинг мулк ҳуқуқига ҳам бевосита таъсир кўрсатди. Шу боис янгича мазмун касб этган фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқини ҳар томонлама илмий тадқиқ этиш бугунги кунда долзарб муаммолардан бирига айланди.

² Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: Ўзбекистон, 1999. –31 б.

I БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ФУҚАРОЛАР ХУСУСИЙ МУЛК ҲУҚУҚИНИНГ ТАБИАТИ ВА МАЗМУНИ

1.1 Хусусий мулк ҳуқуқининг вужудга келиши ва ривожланиши

Кишилиқ жамияти пайдо бўлгандан бошлаб мулк ва мулкый муносабатлар масаласи энг мураккаб ва марказий муаммолардан бири ҳисобланади. Инсониятнинг кўп йиллик тарихида бўлиб ўтган кўпгина урушлар, қўзғолонлар, инқилоблар бунга далолат бўлиб, уларнинг асл сабаби ўша даврда мавжуд бўлган мулк муносабатларини ўзгартириш, қайтадан қуриш ҳисобланган. Йирик итальян цивилист олими У.Маттеининг таъкидлашича ҳам “барча инқилоблар олдинги ижтимоий ташкилотнинг конституциявий тартибига мос келмайдиган мулк муносабатларни қайта тақсимлаш жараёнидир”³. Хусусан, Францияда XIX асрда бўлиб ўтган Буюк француз инқилоби натижасида ҳам шундай ҳол рўй бериб, мулк муносабатлари доирасидаги манфаатдорлик аристократиядан гуркираб ривожланиб келаётган буржуа томонига ўтган. Бизнинг Ватанимизда ҳам XX аср давомида мулк муносабатлари икки маротаба ўзгаришга учраб, қайтадан ўрнатилди. Биринчиси, 1917 йилги Октябрь инқилобидан сўнг амалга оширилган бўлса, иккинчиси ҳозирги кунларда кечмоқда⁴. Тарихий ривожланиш ҳам мулк муносабатларини қанчалик даражада муҳим аҳамиятга эга бўлган категория эканлигини кўрсатмоқда.

Жамиятнинг иқтисодий негизини мулк ташкил этади. Шунингдек, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тузилиши ҳам мулк билан, мулкнинг кимларга тегишли эканлиги билан белгиланади. Мулксиз ижтимоий муносабатларни ривожлантиришнинг, мамлакатда халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишнинг иложи йўқ. Мулк ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида амалга ошириладиган ҳаракат манбаидир⁵.

Мулк – ўзи нима? Таъкидлаш жоизки, мулк масаласи фанда иқтисодий ва юридик категория сифатида ўрганилиб, турли хил тарзда талқин этилади.

³ Маттеи У., Е.Суханов. Основные положения права собственности. - М.: Юрист, 1999. -С.284.

⁴ Гражданское право. Учебник.// Под ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого. - М.: ТЕИС, 1996 -С. 292.

⁵ Раҳмонкулов Х.Р. Хусусий мулк ва унинг дахлсизлиги. - Т.: - Адолат, 2000. - 3 б.

Марксистик таълимотга кўра, мулк ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбошлаш ва истеъмол жараёнида ишлаб чиқариш воситалари ва улар ёрдамида яратилган моддий неъматларни ўзлаштириш (соқит қилиш) муносабатларини намоён этади⁶. Бу ерда мулк ижтимоий муносабат тарзида ифодаланган. Шахсга тегишли бўлган моддий неъматлар фақатгина ўзи томонидан эмас, балки бошқа шахслар томонидан ҳам тан олинishi керак. Яъни бошқа шахсларнинг ашёга нисбатан “ўзганикидек” муносабатсиз мулк эгасининг ўзида ҳам “ўзиникидек” муносабат шаклланмайди. Ушбу таълимотнинг характерли хусусияти шундаки, мулкнинг иқтисодий мазмуни унинг юридик шаклидан устун қўйилади. Аммо баъзи олимлар, хусусан, иқтисодчилар В.П. Шкредов, А. Пашков ва юрист В.А. Рахмиловичлар мулкнинг юридик шаклини устун қўйишиб, мулк фақатгина юридик категория сифатида мавжуд деб таъкидлашади⁷. Мулкни том маънода юридик категория сифатида эътироф этиш эътирозлидир. Мулкни бундай тарзда тушуниш унинг иқтисодий мазмунга эга эканлигини рад этади.

Кўпгина Фарб иқтисодчи ва юристларининг таъкидлашларича, мулк шахснинг ашёга нисбатан муносабатидир. Бу ерда мулк онтологик тарзда, яъни мулкдорнинг унга тегишли бўлган мол-мулк билан ўзаро таъсири сифатида тушунтирилади. Ушбу қарашларда мулкнинг ижтимоий муносабат характерга эга эканлиги рад этилади. Рус цивилист олимларидан Д.И. Мейер, И. Трепицын ва А.А. Ивановлар ҳам шундай фикр тарафдорлари ҳисобланишиб, мулкни шу тарзда, яъни шахснинг ашёга нисбатан муносабати сифатида эътироф этишни илгари суришади⁸.

Бизнинг фикримизча, мулкни бундай тарзда тушунишда юқорида қайд этиб ўтганимиздек, унинг ижтимоий муносабат эканлиги рад этилади. Бироқ мулк инсон ва ашё ўртасидаги муносабат сифатида мавжуд бўла олмайди. Проф. Ю.К.Толстой тўғри таъкидлаганидек, “мулк ашёлар юзасидан инсонлар ўртасида

⁶ Маркс К., Энгельс Ф. Танланган асарлар. Т 12. - Т.: Ўздавнашр, 1972.- 713 б.

⁷ Шкредов В.П., Экономика и право. М.: Экономика. 1990, -С. 17, Пашков А. О собственности на средства производства классах, социальных группах и о характере труда при социализме // Вопросы экономики. - 1971- №2. -С. 97, Рахмилович В.А. Право собственности в условиях совершенствование социализма. - М.: 1988. -С.12.

⁸ Мейер Д. Гражданское право. Спб 1914 -С. 179-180, Трепицын И. Гражданское право 1914 -С. 4-5, Иванов А.А. Право собственности и товарно-денежные отношения. Автореф...к.ю.н. ЛГУ, 1991.-С. 8.

юзага келадиган муносабат эканлигини англатади. Ушбу муносабатнинг бир томонида ашёга нисбатан ўзиникидек каби муносабатда бўлувчи мулкдор турса, бошқа томонда эса ашёга нисбатан ўзганидек карашга мажбур бўлган барча мулкдор бўлмаган учинчи шахслар бўлади»⁹.

Бинобарин, мулк табиат нарсаларини ўзлаштиришда кишилар ва уларнинг жамоалари ўртасида бўлган муносабатни, ижтимоий муносабатни, ижтимоий ишлаб чиқариш муносабатларини билдиради. Иқтисодий категория сифатида мулк инсонларнинг эрки ва иродасидан мустақил ҳолда мавжуд бўлади. Қонунлар мулк муносабатларини яратмайди, балки жамиятда шаклланган иқтисодий муносабатларни мустаҳкамлайди. Мулк муносабатларининг ҳуқуқий шакли унинг иқтисодий мазмуни билан белгиланади. Юридик мазмундаги мулк тушунчаси ҳуқуқ нормаларида иқтисодий мулк муносабатларини мустаҳкамлаш натижасида юзага келади ва мулк ҳуқуқи сифатида намоён бўлади.

Мулк-ҳуқуқий муносабатлар ҳуқуқий меъёрларсиз, давлат томонидан ҳимоя этилмасдан нормал тарзда ривожлана олмайди. Иқтисодий тизими товар ишлаб чиқаришга асосланган жамият учун мазкур ҳолат ҳеч шак-шубҳасиз муҳим аҳамият касб этади. Шу боис ҳуқуқий шакли иқтисодий мазмуни билан чамбарчас боғлиқ бўлган мулкни иқтисодий-ҳуқуқий ҳодиса сифатида баҳолаш ўринлидир.

Таъкидлаш лозимки, мулкнинг юридик тушунчаси иқтисодий муносабатларнинг қонун орқали тартибга солиниши билан боғлиқ бўлсада, бироқ мулкнинг юридик категорияси мулк объектларини яратиш жараёнини, мулкни алоҳида шахсларда жамланиш сабабларини ҳамда ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши билан мазкур жараёнларнинг ўзгариш тенденцияларини очиб бермайди. Мулк муносабатларнинг тарихий ривожланиши ҳам юридик мазмундаги мулкнинг нисбий характерга эгаллигини кўрсатади, чунки маълум бир мулк шакли бошқасидан мутлақ даражада устун бўла олмайди. Турли мулк шакллариининг самарадорлиги ишлаб чиқариш муносабатларининг ишлаб чиқарувчи кучларга мувофиқлиги билан белгиланади. Бошқача айтганда, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланишига хизмат қилувчи ҳар қандай мулк шакллари

⁹ Толстой Ю.К. К учению о праве собственности. // Правоведение. – 1992.- №1.-С.32.

самаралидир.

Рим хусусий ҳукукида хусусий мулк ҳукуки мутлақлаштирилган бўлса, Юстиниан дигестларида мулк ҳукуки мол-мулкка эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этишга доир ажралмас ҳуқуқ сифатида белгиланган. Рим хусусий ҳуқуқининг ушбу асос солувчи тамойиллари бир қатор Ғарбий Европа мамлакатлари қонунчилигида ўз ифодасини топди ва хусусий мулк ягона, бўлинмас ва дахлсиз деб эътироф этилишига олиб келди. Бу эса ўз навбатида хусусий мулк эгаси ўз манфаатлари йўлида моддий неъматларни ўзлаштириш ва бегоналаштиришга, ишлаб чиқаришга, айирбошлашга, даромадларни ўзлаштиришга бўлган ҳуқуққа эгалигини англатган.

Хусусий мулк институтининг ривожланиши ҳар доим ҳам бир хилда бўлмаганлиги туфайли бевосита мулк ҳуқуқининг вужудга келиши билан боғлиқ бўлган мазкур категориянинг ривожига муҳим даврларни ажратиб ўрганишни мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Ҳар бир тарихий даврда турли хил ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши ҳам турлича бўлган. Мулк муносабатлари кишилиқ жамиятининг ўзига хос ривожланиш белгиларидан бири бўлиб, ушбу жамиятнинг моҳиятини очиқ беради. Инсоният тарихида мавжуд бўлган ҳар бир ижтимоий-иқтисодий формация ишлаб чиқариш усули томонидан белгилаб берилувчи ўзига хос ўзлаштириш усули ҳамда алоҳида мулк шаклига эга бўлган.

В.П. Камышанскийнинг ҳақли тарзда таъкидлашича, дастлаб мулк ҳуқуқи уруғ, қабиланинг табиий объектлар, меҳнат қуроллари ва инсонларнинг меҳнати натижасида яратилган ашёларга нисбатан жамоа ҳуқуқи сифатида намоён бўлади¹⁰. Бунда табиий объектлар ва инсонларнинг меҳнати натижасида яратилган ашёлар жамоа мулкида эканлиги улардан жамоа доирасида фойдаланиш ва бегоналаштириш мулк объектларидан самарали фойдаланишга хизмат қилишига олиб келишида эмас, балки инсон онгининг паст даражада ривожланиши оқибатида бўлган. Ижтимоий меҳнат тақсимодининг содир бўлиши, яъни чорвачилиқдан деҳқончиликнинг ажралиб чиқиши, ҳунармандчиликнинг вужудга келиши ва шунинг натижасида савдо-сотиқнинг ривожланиши меҳнат

¹⁰ Камышанский В.П. Право собственности: пределы и ограничение. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2000. – С. 21.

унумдорлигининг ўсишига ҳамда мулкый муносабатларни такомиллашувига хизмат қилди. Бинобарин, инсон томонидан амалга оширилаётган меҳнатнинг мураккаблашуви ва ўзгариши билан унинг мулкка бўлган муносабати ҳам ўзгара борди.

Маълумки, хусусий мулкнинг вужудга келиши яратилган қўшимча қийматнинг миқдори уни кундалик истеъмол қилиш эҳтиёжидан ошишига олиб келган кишилиқ жамиятининг ривожланиш даврларига бориб тақалади. Бундай вазиятда шахсда жамиятнинг муҳим ҳаётӣ манфаатларига дахл этмаган ҳолда мазкур фарқни ўзлаштириш имконияти пайдо бўлди. Ишлаб чиқариш муносабатларидаги мазкур ўзгариш ўз-ўзидан ижтимоӣ тенгсизликнинг пайдо бўлишига ва ибтидоӣ-жамоа тузумининг емирилишига олиб келди.

Хусусий мулк ҳуқуқи институтининг вужудга келишини аксарият муаллифлар Рим давлати тарихидаги республика даври билан боғлашади. Тарихий жиҳатдан олиб қаралганда ҳам хусусий мулкнинг шаклланиш манбаси бўлиб жамоа мулки ҳисобланади. Бунга хусусий мулкни номлаш бўйича ўша даврда қўлланилган терминлар ҳам далолат беради. Дастлаб хусусий мулк "dominium" термини билан белгиланган бўлиб унга квинтитлар ҳуқуқи бўйича деган маънони англатувчи "ex iure Quiritium" ибораси ҳам қўлланилган. Бу ибора мол-мулклар дастлаб рим халқига, сўнгра эса хусусий мулк кўринишида рим фуқароларига тегишли эканлигини англатган. Рим республика даврининг сўнгги давларида хусусий мулкни белгилаш учун "proprietas" терминидан фойдаланилган¹¹. И.С. Перетерскийнинг фикрига кўра эса "мулк тўғрисида рим таълимотларининг асосини қулдорчилик муносабатларидан қидириш лозим. Агар мулк тўғрисидаги таълимотлар ҳар қандай ҳуқуқ тизимида марказий ўринни эгаллаши инобатга олинадиган бўлса, худди феодал мулкчилик марказида ерга ва капиталистик мулкчилик марказида ишлаб чиқариш воситаларига бўлган хусусий мулк каби мулк ҳуқуқи тўғрисидаги рим таълимотининг марказида ҳам қулга нисбатан хусусий мулк туради"¹².

¹¹ Новицкий И.Б. Римское частное право. М.: 1948. – С. 78.

¹² Перетерский И.С. О правовом положении рабов в Древнем Риме. // Ученые записки МЮИ. Вып 1, -М.: 1939. – С. 128.

Консерватив рим хусусий ҳуқуқи мактаби замонавий хусусий мулк назарияси асосини ташкил этувчи, етарли тарзда кенг қўламга эга бўлган хусусий мулк эгалари ҳуқуқларини ишлаб чиққан. Проф. И.Б. Новицкийнинг таъкидлашича мулкдорга *ius utendi* (ашёдан фойдаланиш ҳуқуқи), *ius possidendi* (ашёга эгалик қилиш ҳуқуқи), *ius fruendi* (даромад, ҳосил олиш ҳуқуқи), *ius abutendi* (тасарруф этиш ҳуқуқи) ва *ius vindicandi* (ашёни ҳар қандай эгалик қилувчидан талаб қилиб олиш ҳуқуқи) тегишли бўлган. Мулк ҳуқуқининг легал таърифини ишлаб чиқишга эришмаган рим юристларининг фикрига кўра, хусусий мулк эгаси ўзига тегишли ашёдан, қонун томонидан ўрнатилган тақиқлардан ташқари, ҳар қандай тарзда фойдаланиш ва тасарруф этиши мумкин бўлган.

Ушбу давр рим хусусий ҳуқуқининг ривожланиши қараб чиқилган мазкур давлат тарихидаги энг юқори босқич ҳисобланади. Ушбу давлат тарихида ривожланган савдо ва саноат ишлаб чиқариш даври бўлмаганлиги туфайли Римда ва бошқа қулдорчилик мамлакатларида хусусий мулк институти кейинчалик ривож топмади. Шунинг билан биргаликда, ушбу даврда шаклланган ҳуқуқий институтлар ўрта асрларда мулк ҳуқуқи институтларининг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатган.

Феодализм даврида мулк ҳуқуқи институти антик даврда бўлгани каби кенг қўламда ривожланмади. Академик А.В. Венедиктовнинг таъкидлашича, бир неча юз йилликлар мобайнида ўрта аср Европа давлатларида мулк ҳуқуқини белгиловчи махсус термин ҳам қўлланилмаган. Фақатгина XII-XIV асрларга келиб ҳуқуқ бир қадар ривожланган Германияда тегишли терминология (*eigentium* – мулк) пайдо бўлган. Россия империясида эса “мулк” ва “мулк ҳуқуқи” терминлари эса бор-йўғи XVIII асрга келиб шаклланган. Албатта, махсус терминнинг мавжуд эмаслиги тегишли ҳуқуқий институтнинг бўлмаганлигини англатмайди, бироқ шу даврда ушбу институт етарли даражада ривожланмаганлигидан далолат беради. Феодал мулк ҳуқуқининг ўзига хослиги рим ҳуқуқи профессорлари – глассаторлар томонидан яратилган ажратилган мулк ҳуқуқи назариясида ўз ифодасини топади. Ушбу назариянинг вужудга келишига ер участкаларига нисбатан муайян ҳуқуқларга эга бўлган турли субъектларнинг манфаатларини алоҳидалаштириш

эхтиёжи сабаб бўлган. Мулк ҳукуқи ва ўзгаларнинг ашёсига бўлган ҳуқуқларни аниқ ажратган рим классик ҳуқуқидан фарқли равишда феодал жамиятда боғланган, мажбурият юклайдиган турли мулк ҳуқуқи шакллари мавжуд эди. Ваколатли шахс мол-мулкдан белгиланган доирада чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган¹³.

Минтақамизда феодал ишлаб чиқариш усули энг кўп давр давом этганлиги билан ажралиб туради. VII асрдаги араблар босқинидан сўнг ислом динининг кенг миқёсда ёйилиши натижасида шаклланган мусулмон ҳуқуқи феодал ишлаб чиқариш муносабатларни тартибга солувчи муҳим воситага айланди. Проф. Ф.Сайфуллаев мусулмон ҳуқуқига фуқаролик ҳуқуқи масалаларидан ёндашиб “бу ҳуқуқ ашёларни сотиш эмас, улардан фойдаланиш нуқтаи назаридан қарайдиган типик ўрта аср шарқ феодал ҳуқуқидир” деб ҳисоблайди¹⁴. Ислом қонунчилигида ижтимоий ҳаётда вужудга келадиган муносабатларнинг энг катта гуруҳини ташкил этадиган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар шариат ҳуқуқининг тармоғи ҳисобланадиган “илм-ул-фикҳ” томонидан тартибга солинган. Мусулмон ҳуқуқида ҳам худди рим хусусий ҳуқуқида бўлгани каби ашёвий ҳуқуқ (ҳақ-ал-мулқиат) ва мажбурият ҳуқуқи (ҳақ-ал-вазифат) ажратилган. Мазкур ҳуқуқ бўйича ҳам асосий ашёвий ҳуқуқ мулк ҳуқуқи ҳисобланиб, унга кўра мулкдорнинг ашё устидан тўлиқ ва чекланмаган ҳукмронлиги тушунилган. Мулк ҳуқуқи ашёни чекланмаган доирада тасарруф этиш ва унинг ҳосилаларидан фойдаланиш ҳуқуқидир¹⁵. Мусулмон ҳуқуқида мулк ҳуқуқида доир меъёрлар билан биргаликда ашёвий ҳуқуқлар, эгалик ҳуқуқи (қабз), ноқонуний эгалик қилиш (ғасб)ни тартибга солувчи меъёрлар ҳам мавжуддир. Мусулмон ҳуқуқида мол-мулк бошқа ҳуқуқ тизимларида бўлгани сингари кўчар (мол) ва кўчмас (мулк) турларига ажратилган. Бу ҳуқуқда барча ҳуқуқ субъектлари бир хил ҳуқуқ лаёқатига эга бўлмаганлиги сабабли, мулк ҳуқуқи эга бўлиш лаёқати ҳам турлича бўлганлиги кузатилади. Рим ҳуқуқидаги квинит мулки ва peregrini мулки ўртасида фарқ бўлганидек, ушбу ҳуқуқ тизимида ҳам туб мусулмон араблар ва мусулмон динини

¹³ Венедиктов А.В. Государственная социалистическая собственность. – М.: 1948. – С. 104.

¹⁴ Сайфуллаев Ф.А. Основные черты гражданского права дореволюционного Туркестана // Материалы к истории государства и права Узбекистана. – Т.: ФАН, 1958. – С. 72.

¹⁵ Ахмеджанов У.М. Институт собственности в мусульманском праве. Автореф...к.ю.н. – М.: 1963. – С. 12.

кабул қилган аҳоли билан мусулмон бўлмаган, лекин ислом давлатининг карамлигини тан олиб ўз динини сақлаб қолган – зиммийларнинг мулк ҳукуки фарқланган. Мулк ҳукуқининг мазмунини эгаллаш (қабз), фойдаланиш (манфаат), даромад олиш (таъмлик) ва тасарруф этиш ҳуқуқлари ташкил этади. Шариатда хусусий мулк ҳукуқини ҳар томонлама ҳимоя қилишга алоҳида эътибор берилиб, ислом динининг муқаддас китоби бўлган Қуръонда ҳам хусусий мулк муқаддас ва дахлсиз деб эътироф этилган.

Бошқа давлатларда бўлгани каби бу даврда минтақада жойлашган давлатларда ҳам феодалларнинг ерга нисбатан хусусий мулки ишлаб чиқаришнинг асоси ҳисобланган. Минтақамиз чор Россияси томонидан босиб олингунга қадар феодал ер эгалиги бўйича ерга нисбатан давлат (амлок, подшолик, мамлакат), вақф ва хусусий мулк турлари мавжуд бўлган.

Мулк ҳукуқини белгилашга доир формал-ҳуқуқий ёндашув феодализмдан капитализмга ўтиш жараёнига тўғри келади. Бу даврда ажратилган мулк ҳукуқига доир назарияни инкор этиш ва мулкдорнинг ҳуқуқларини қонун ҳужжатларида қатъий тарзда белгилаб қўйиш содир бўлди. Капиталистик ривожланиш йўлига ўтган бир қатор Европа давлатларида XIX аср мобайнида ишлаб чиқилган Гражданлик Кодексларида бундай ёндашув характерлидир. Хусусан, илк бор яратилган Француз Фуқаролик кодексида хусусий мулкнинг дахлсизлиги, мулкдор мол-мулкидан имкониятига қадар мутлақ даражада фойдаланишга ҳақли эканлиги белгилаб қўйилди.

Маълумки, мулкӣ муносабатлар инсонларнинг иқтисодий манфаатлари асосий ҳаракатлантирувчи манбаси бўлган ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши асосида вужудга келади. Инсонлар ўз хоҳишига кўра у ёки бу мулк шакллариини ўрната олмайди. Тарихда жамоа манфаатлари устунлиги асосида тенг тақсимлаш ва умумжамоа мулкниини яратишга доир ҳаракатлар амалга оширилган бўлса-да, бироқ кейинчалик таназзулга учраган, чунки жамият доирасида тараққиётга фақат қобилият, интилишларнинг табақалашуви асосида эришилиши мумкин. Жамоа мулкига келадиган бўлсак, у кишилик жамияти шаклланиш даврида инсонларнинг ҳаёт кечириши учун объектив зарурат бўлганлиги сабабли

мавжуд эди. Бу даврда инсонлар тирикчилиги учун зарур бўлган нарсаларни табиат билан курашда жуда заиф қуролланган бир шароитда жамоа бўлиб меҳнат қилиш йўли орқали топарди. Аста-секинлик билан ишлаб чиқариш воситаларининг такомиллашуви, ишлаб чиқариш унумдорлигининг ортиши, ижтимоий меҳнат тақсимотини кучайиши, айирбошлашнинг ривожланиши натижасида жамоа мулк эгаллигининг ва биргалашиб меҳнат қилишнинг, жамоа хўжалиги юритишнинг зарурати тобора йўқола бошлади ва шу тариқа жамоа мулки ўрнига хусусий мулк шакли пайдо бўлди.

Юқорида келтирилганларга кўра, шуни таъкидлаш лозимки, дастлаб хусусий мулк ижтимоий меҳнат тақсимооти ва ишлаб чиқаришнинг ривожланиши натижасида вужудга келадиган, жамоа мулки негизида шаклланган мулк шакли сифатида қаралган. Хусусий мулкнинг пайдо бўлиши майда товар ишлаб чиқарувчиларнинг ишлаб чиқариш воситаларидан ажралиши натижасида ёлланма меҳнатнинг вужудга келиши билан бевосита боғлиқдир. Ишлаб чиқариш воситалари уларнинг эгалари учун капитал ва иқтисодий ҳокимиятнинг манбасига, фақат ўз иш кучининг эгалари эса иқтисодий жиҳатдан қарам ёлланма ишчиларга айланишган¹⁶.

Жамият ҳаётида хусусий мулкни ЯИСга ўтиш натижасида кенг қарор топиши ГКда ҳам ўз ифодасини топди. ГКнинг хусусий мулкка бағишланган 54-моддаси унинг объектлар доирасини белгилаб берди. Унга кўра хусусий мулк предметлари бўлиб махсус қонунларда кўрсатилган миқдордан ошмаган ёлланма ишчилар сонига эга бўлган қурилиш, савдо ва саноат корхоналари, ишлаб чиқариш қуроллари ва воситалари, пул, қимматли қоғозлар ва бошқа қимматли нарсалар, шунинг билан бирга олтин, кумуш тангалар ва чет эл валютаси, уй-жиҳозлари, хўжалик ва шахсий истеъмол предметлари, товарлар, қонун билан тақиқланмаган ва хусусий муомаладан чиқарилмаган бошқа ҳар қандай мол-мулклар ҳисобланган¹⁷. Бу моддада назарда тутилган хусусий мулк объектлари доираси қатъий бўлмасдан, балки умумий ҳамда махсус қонунлар билан

¹⁶ Власова М.В. Право собственности в России: возникновение, юридическое содержание, пути развития. – М.: МЗ-Пресс, 2002. – С. 50.

¹⁷ СУ., 1922. - №71. – Ст. 904.

тақиқланмаган ҳар қандай мол-мулк хусусий мулк бўлиши белгиланган. Бундай ташқари, Кодексида асосан фуқароларнинг ҳуқуқ лаёқатлари кенгайтирилиб, уларга саноат ва савдо фаолиятини тартибга соладиган ва унда ёлланма меҳнатни ҳимоя қиладиган барча қарорларга амал қилиб савдо ва саноат корхоналарини ташкил этиш ҳуқуқи берилди (5-модда

Бир қатор муаллифларнинг тўғри таъкидлашларида хусусий мулк бу даврда майда мулк доирасига тушириб қолдирилган бўлиб, кейинчалик 30-йилларда қонун томонидан тақиқланган¹⁸. Ўша даврда Ўзбекистон қонунчилиги ҳам айнан шу йўлдан бориб, унга кўра Б.О. Эшонунинг таъкидлашича “социалистик мулк шакллариининг мустаҳкамланиши билан шахсий мулк ҳуқуқининг ҳам аҳамияти орта борди. Хусусий мулкни қисқартириш, кейинчалик эса умуман тугатиш сиёсати олиб борилди.”¹⁹ Ушбу масала юзасидан баъзи бир муаллифлар 30 – йиллар фуқаролик қонунчилиги хусусий ва шахсий мулкни ажратмаган деб ҳисоблашади²⁰. Бироқ, бизнинг фикримизча, мазкур нуқтаи назар фақат иқтисоди ривожланган мамлакатларнинг ҳуқуқий тизимларига хос бўлиб, уларнинг аксарияти ҳозирда ҳам ўз қонунчилигида шу мезонга амал қилиб келишмоқда.

Ишлаб чиқариш воситаларига нисбатан хусусий мулкни бекор қилган социалистик жамиятнинг иқтисодий негизини асосан давлат мулки ташкил этган. “Ягона ва танҳо ҳукмрон” бўлган мазкур мулк шакли давлат ҳокимияти билан биргаликда ягона механизм сифатида намоён бўлади. Юқоридаги фикрларни тасдиқлаган ҳолда Л.В.Щенникованинг ёзишича “мазкур давр фуқаролик қонунчилиги давлат мулкни умумхалқ, ягона ва асосий деб эълон қилиб, хусусий мулк ҳуқуқини тақиқлаб қўйди. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг асосий субъектлари бўлган фуқаролар ва юридик шахсларнинг мулк ҳуқуқи амалда бошқа ашёвий ҳуқуқлар билан алмаштирилди. Бу даврда давлат корхоналари учун оператив бошқариш ҳуқуқи, фуқаролар учун шахсий мулк ҳуқуқи институтлари

¹⁸ Собственность в экономической системе России // Под ред. В.К. Черновца, В.М. Кулькова. – М.: ТЕИС, 1998. – С. 376.

¹⁹ Эшонун Б.О. Право личной собственности граждан по законодательству Узбекской ССР. Дисс. на соиск. уч. степ. к.ю.н. – Т.: 1976. – С. 32

²⁰ Генкин Д.М. Право личной собственности в социалистическом обществе // Труды ВЮЗИ. – М.: Юриздат, 1948. – С. 15.

кенг қўлланилди”²¹. Хусусий мулк тушунчаси ўша давр қонунчилигида умуман қўлланилмаган. Аксарият иқтисодчи ва юристларнинг уқтиришича эса социализм хусусий мулкни умуман инкор этувчи ижтимоий-иқтисодий тизим эканлиги туфайли хусусий мулкнинг қонун томонидан ўрнатилиши рад этилган.

Шу ўринда Ю.К. Толстойнинг қуйидаги фикрларига қўшилиш лозим “мулк “сеники” ва “меники” каби бўлиниш остида ётади. Ҳар қандай мулк шакли ва турида мулкнинг умумлашганлиги ва жамоалашуви даражаси юқори бўлмасин, ишлаб чиқариш шароитлари ва маҳсулотларига кимдир “ўзиники” каби, кимдир эса “бегонаники” каби муносабатда бўлган тақдирдагина мавжуд бўла олади. Шу нуқтаи назардан ҳар қандай мулк шакли хусусий ҳисобланади”²².

Шу даврда ишлаб чиқариш воситаларига нисбатан хусусий мулк бекор қилинган бўлса-да, бироқ бутун совет даври мобайнида фуқаролик қонунчилигида “шахсий мулк” деб номланадиган истеъмол предметларига нисбатан хусусий мулк амалда мавжуд эди. Иқтисодчи олим К. Улыбиннинг таъкидлашича, “ишчининг хусусий мулкни “шахсийга” алмаштирилишининг “тараққийлиги” шахс эркинлигини жиддий тарзда чекланишига ва ишлаб топилган маблағларни ўз хоҳишига кўра тасарруф этишга бўлган ажралмас ҳуқуқдан маҳрум бўлишига олиб келди”²³. Шундай бўлса-да К. Улыбин “маданий ижтимоий муносабатлар доирасида шахсий мулк ҳам ўзининг объектив қўлланилишига кўра фуқаролар хусусий мулкнинг бир кўриниши ҳисобланади” деган хулосага келади²⁴. Бизнинг фикримизча ҳам, шахсий мулк объектларидан фойдаланиш натижасида ҳосил бўлган мулк ҳам хусусий мулкнинг маълум кўринишларидан ҳисобланади.

Таъкидлаш лозимки, истеъмол предметларига нисбатан мулкчилик ўзининг иқтисодий ҳаётда тутган ўрнига кўра ишлаб чиқариш воситаларига бўлган мулкчилик туридан анчагина фарқланади. Улар ижтимоий ишлаб чиқаришнинг турли доираларида амал қилади ҳамда ҳуқуқий тартиботи ҳам турличадир. Шунинг билан биргаликда улар ўртасида умумий боғлиқ нуқталар мавжуд

²¹ Щенникова Л.В. Вещные права в гражданском праве России. М.: БЕК, 1996. –С. 12.

²² Гражданское право. Часть I. // Под ред. Ю.К. Толстого, А.П. Сергеева. – М.: ТЕИС, 1996. – С. 292.

²³ Улыбин К. Частная собственность при социализме: вынужденная реальность или неотъемлемое свойство? // Экономические науки, 1991. -№2. – С. 73.

²⁴ Ўша ерда

эканлигини ҳам унутмаслик керак. Бундай боғлиқлик бошқа шахслардан алоҳидалаштирилган, иқтисодий жиҳатдан ўзлаштирилган моддий неъматларда намоён бўлади. Шу маънода моддий неъматлар ўрнида истемол предметлари ёхуд ишлаб чиқариш воситалари бўлишлиги мутлақо аҳамиятсиздир. Хусусий мулк – бу ўзга шахслардан бегоналаштирилган, иқтисодий жиҳатдан ўзлаштириб олинган ва қонунга асосланган ҳолда хусусий манфаат йўлида фойдаланилаётган предметлардан иборат.

Иқтисодий маънода эксплуатация деганда ўзганинг ҳақ тўланмаган меҳнатини ўзлаштириш тушунилади. Шу нуқтаи назарга асосланиладиган бўлсак, ишлаб чиқариш унумдорлиги ниҳоятда паст бўлганлиги сабабли ишлаб чиқарилган моддий неъматларни ўзлаштиришнинг имконияти бўлмаган кишилиқ жамиятининг дастлабки босқичларидан ташқари ҳар қандай жамиятда эксплуатация мавжуд бўлади. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши натижасида ортиқча маҳсулот ишлаб чиқарила бошланиши билан кишилиқ жамиятида айнан шу ортиқча маҳсулотни ўзлаштириш бўйича аёвсиз кураш бошланади. Ўз навбатида мазкур кураш инсоният тарихидаги ижтимоий-иқтисодий формацияларнинг ўзгаришига олиб келган.

Мулкдор томонидан ишчининг эксплуатация қилиниши ишлаб чиқариш воситаларига бўлган хусусий мулк тушунчасининг таркибига кирмайди. Агар ишлаб чиқариш воситалари эгаси ва ишчи ўртасидаги муносабатлар тенгсизлик асосида қурилган, ўз навбатида давлат ва жамият томонидан мазкур номувофиқликни бартараф этиш учун тегишли чоралар кўрилмаётган ҳар қандай жамиятда эксплуатация амалга оширилиши мумкин. Эксплуатация иш кучи эгаларининг капитал эгаларига нисбатан иқтисодий тенгсизлиги натижасидир. Бундай вазиятда – деб ёзади В.П. Мозолин - ёлланма меҳнат қўлланилаётган ҳар қандай, шу жумладан давлат корхоналарида ҳам эксплуатация мавжуд бўлади. Шу боис ушбу ҳолатда давлат ва хусусий мулк ўртасида бирон-бир фарқ йўқ²⁵. Аслини олганда, ишчи учун товар қийматидаги унга тегишли бўлган улушни хусусий ёки давлат корхонасида адолатсиз ва асоссиз тарзда олиб

²⁵ Мозолин В.П. О праве частной собственности. // Советское государство и право. - 1992. -№1. – С. 12.

қўйилаётганлигини ҳеч ҳам фарқи бўлмайди. Яқин тарихимиздан маълумки, бундай ҳолат давлат мулки бутунлай ҳукмрон бўлган иқтисодий тизимда кўпроқ содир бўлади. Чунки давлат бир қатор ижтимоий вазифаларни бажариш баҳонасида товар қийматидаги иш ҳақининг асл улушини ишчига бермас эди. К. Улыбиннинг ҳақли тарзда таъкидлашича, “эксплуатация ёллаш натижасида эмас, балки тенгсиз шароитга солиб қўювчи ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг муайян тизими туфайли пайдо бўлади”²⁶.

Хусусий тадбиркорликнинг вужудга келиши ҳамда давлат ва хусусий корхоналар ўртасидаги рақобатнинг ривожланиши натижасида бугунги жамиятда хусусий мулк мазмун-моҳиятига кўра маркс давридаги хусусий мулкдан тубдан фарқ қилади ва унда ёлланма меҳнат билан хусусий мулк ўртасидаги ўзаро муносабатларда тенглик тамойили ҳукмрон бўлади. Давлат тенгсизликка йўл қўймаслик учун меҳнат муносабатлари соҳасида фаол ижтимоий-иқтисодий сиёсат юритиши лозим. Шу сабабли хусусий мулкдан фойдаланиш доимий тарзда жамият назоратида бўлиши ва тадбиркорларнинг иқтисодий салоҳиятини оширишга йўналтирилиши керак.

Ўз навбатида хусусий мулкнинг самарадорлигига шубҳа билан қарайдиган баъзи бир муаллифларнинг фикр-мулоҳазаларини ҳам эътиборга олиш лозим. Хусусан, улар ўз фикрларини хусусий мулк амалда бўлган давлатларнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланиши доим ҳам бир хилда бўлмаслиги билан асослашади. Бунда хусусий мулк асосида юқори ривожланишига эришган мамлакатларга қараганда иқтисодий жиҳатдан ривожланмаган, қолоқ мамлакатлар кўпчиликни ташкил этиши таъкидланади. Шундан келиб чиққан ҳолда ушбу муаллифлар асосий мулк шакли сифатида хусусий мулкнинг эътироф этилишининг ўзигина юқори иқтисодий ривожланишга эришишга мутлақ кафолат бўла олмайди деб хулоса қилишади²⁷. Бинобарин, хусусий мулкнинг иқтисодий ривожланишини ўзига хос “катализатори” вазифасини бажариши учун бошқа зарур шарт-шароитлар ҳам яратилиши талаб этилади. Амалда ҳақиқий бозор

²⁶ Улыбин К. Часная собственность при социализме: вынужденная реальность или неотъемлемое свойство? // Экономические науки. – 1991. – №2. – С. 12.

²⁷ Собственность и реформа. // Под ред. Черковца В.Н., Коньшева В.В. – М.: 1995. – С. 55-56.

иқтисодиёти муҳити тўлақонли шаклланмаган шароитда, аксарият ҳолларда хусусий мулкнинг салбий жиҳатлари намоён бўлади. Шу сабабли ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш даврида хусусий мулк билан боғлиқ масалаларни тартибга солувчи етарли тарзда такомиллаштирилган қонунчилик базасини яратиш зарурлиги кун тартибидаги асосий муаммолардан ҳисобланади.

Мулкка бўлган муносабат орқали шахс эркинлиги, жамиятнинг иқтисодий ва сиёсий тизимининг белгиланиши сабабли аксарият ривожланган мамлакатлар қонунчилигида янада такомиллашган мулк шакллари амалга киритилишига олиб келди. Агар тоталитар давлат шахсни давлат аппаратига тобе бўлишга, жамоада меҳнат қилишга мажбурловчи, интилувчанлик ва ташаббускорликнинг сўнишига сабаб бўладиган давлат ва кооператив мулк шакллари хукмронлигига асосланса, фуқаролик жамияти эса шахсга қонунга мувофиқ тарзда ўзи томонидан ишлаб чиқарилган ва қўлга киритилган мол-мулкка эгалик қилишга имкон беради. Шунинг билан биргаликда, мазкур ҳолат фуқаролик жамиятида давлат ва жамоа мулк шакллари тамомила инкор этилишини англатмайди, албатта. Фақатгина мазкур мулк шакллари ўтмишда бўлганидек кенг қамровли, хукмрон мавқега эга бўлиб кетишини олдини олиш ва шунинг натижасида шахсларнинг изланувчанлиги ва меҳнати натижасига нисбатан шахсий иқтисодий манфаатдорлиги тушиб кетишга йўл қўймасликка эътибор қаратилади. Агар шахснинг изланувчанлик ва ташаббускорлиги натижасида олинган фойда кўпчилик ўртасида тақсимланса, ўтмишда бўлганидек, ўз устида ишлашга, ташаббускорлик кўрсатишга ундовчи омил сусайиб кетади.

Ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти авторитар тузилмалардан фарқли равишда, бу энг аввало, тенг ва мустақил фуқаролар жамиятидир. Том маънодаги ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти шаклланишининг муҳим шартларидан бири эса шахснинг хусусий мулкка асосланган иқтисодий эркинлиги ҳисобланади. Давлатга нисбатан оппонент ва ҳамкор сифатида фуқаролик жамияти шахс давлатга иқтисодий жиҳатдан қарам бўлган жамиятда тўлақонли шаклланмайди. Хусусий мулк фуқароларга жамиятда ўз мавқеини мустаҳкамлашга, давлатга бўлган иқтисодий қарамлигини кучсизлантиришга олиб келувчи иқтисодий

эркинлигини таъминлайди²⁸.

Демак, юқоридагиларга кўра, хусусий мулк ҳуқуқи инсонни давлат ва бошқа шахслар томонидан эксплуатация қилинишидан ҳимоя этишини таъкидлаш ўринлидир. И. Ильиннинг фикрига кўра, хусусий мулк ҳуқуқи инсоннинг табиий ҳуқуқи бўлиб, уни хўжалик юритиш фаолияти учун энг мақбул бўлган эгалик шакли ҳисобланади²⁹. Бизнинг фикримизча, хусусий мулк ҳуқуқи шахснинг ашё устидан қонун билан қатъий тарзда қафолатланган тўлиқ, мутлақ ҳукмронлигини таъминлайди. Албатта, хусусий мулк ҳуқуқини қонун билан қафолатланганлиги унинг ҳеч ҳам чегарасиз эканлигини англатмайди. В.П. Камышанскийнинг таъкидлашича, “қонун орқали қафолатланган мулк ҳуқуқи учинчи шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини мулкдорнинг инсофсиз ҳаракатларидан ҳимоя қилиш эҳтиёжи билан белгиланадиган ўз чегараларига эгадир”³⁰. Немис цивилисти Г. Дернбургнинг ёзишича эса “мулкдор ҳукмронлигининг табиий чегараси инсон ўз эркини намоён этиш имконияти тугаши билан белгиланади. Бироқ мулкдор ҳукмронлигининг ушбу доирасида ҳам хусусий мулк мақсадларига асосланадиган, ёзилмаган чекловлар мавжуд”³¹. Шу боис XIX аср қонунчилигидан фарқли равишда замонавий мамлакатлар қонунчилигида жамият манфаатларидан келиб чиққан ҳолда хусусий мулк ҳуқуқини амалга ошириш борасида турли-хил чекловлар ўрнатилган. Бироқ, шунинг билан биргаликда, белгиланган чегаралар доирасида мулкдорнинг мол-мулкдан ўз хоҳишига кўра ва ўз манфаатлари йўлида самарали фойдаланишини таъминлаш учун хусусий мулк ҳуқуқи тўлиқ, мустақил ва мутлақ ҳуқуқ бўлиши лозим. Ўз навбатида мулк шаклларида бири бўлган хусусий мулк ва ҳукмронлик тушунчаларининг ўзаро боғлиқлигини таъкидлаш ўринлидир. Хусусан, Ю.К. Толстойнинг таърифига кўра “мулк-ашёга эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этишда, шунингдек мулкдорнинг ҳукмронлиги ёйиладиган хўжалик доирасига учинчи шахсларнинг аралашувини чеклашда намоён бўладиган шахснинг ўзига тегишли ашёга нисбатан ўзиникидек

²⁸ Прозоров В.Ф. Правовые предпосылки экономической независимости индивида. // Государство и право. - 1992. - № 6. - С. 12.

²⁹ Ильин И. О частной собственности. // Знание – сила. - 1991. - №7. - С. 4 - 9.

³⁰ Камышанский В.П. Право собственности: пределы и ограничение. – М.: 2000. - С. 64.

³¹ Ихтисоба: Венедиктов А.В. Государственная социалистическая собственность. – М-Л.: 1948. - С. 260.

муносабатидир»³². Ҳақиқатан ҳам, мулк ҳуқуқи жамиятнинг алоҳида аъзолари, инсонлар коллективи ўртасида ўзининг объектив таркиби бўйича турли-хил бўлган мол-мулкни тақсимлаш ҳолатини ифодалайди. Мазкур юридик категория фуқаролик жамиятидаги барча муносабатларни тартибга солишда муҳим аҳамиятга эга бўлган фақатгина бир томонини камраб олади. Мулкдорнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ тарзда қўлга киритилган ашё устидан ҳукмронлиги мулк ҳуқуқини бошқа фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан фарқловчи ўзига хос хусусияти бўлиб ҳисобланади. Мулкдорнинг ҳукмронлиги бевосита қонунга ва ушбу ҳуқуқни жамият томонидан тан олинishiга асосланади³³.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда, бизнинг фикримизча, хусусий мулк ҳуқуқи хусусий мулкдорнинг ашё ёки бошқа моддий ва номоддий неъматлар устидан давлат томонидан кафолатланган ва жамият манфаатлари йўлида чегараланган ҳукмронлигидир. Мазкур таъриф бугунги кунда республикамызда шаклланган хусусий мулк ҳуқуқи институтининг ҳуқуқий табиатига ҳам мосдир. Ўзбекистонда ҳам бошқа мамлакатларда бўлгани сингари хусусий мулк ҳуқуқи субъектлари ўз ҳуқуқларини амалга ошириш жараёнида бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузмаслиги, қонунда назарда тутилган ҳолларда бошқа шахсларга мол-мулкдан чекланган тарзда фойдаланишга йўл қўйишга мажбурлиги белгилаб қўйилган. Шунинг билан биргаликда, қонун чиқарувчи хусусий мулкдорга ўзига қаршли мол-мулкдан ўз хоҳиши билан ўз манфаатларини кўзлаб ҳар қандай тарзда фойдаланиш ҳуқуқини кафолатлайди (ФК 164-модда).

Ҳар қандай бошқа мулк шакллари каби хусусий мулк ҳам мол-мулк, ашёлар, моддий неъматлар тушунчаларига тенг бўлмаган юридик категориядир. Авваламбор, мулк — бу субъектлар томонидан мол-мулкни ўзлаштиришнинг ижтимоий шаклидир. Кўрсатилган объектларига нисбатан эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этишга давлат томонидан ваколат берилган шахс эса мулкдор сифатида эътироф этилади. Цивилистикада мулк тушунчасига нисбатан

³² Гражданское право. // Под ред. Ю.К. Толстого, А.П. Сергеева. — М.: ТЕИС, 1996. — С. 293-294.

³³ Алексеев С.С. Частное право. Научно-публицистический очерк. —М.: Статут, 1999. —С. 77.

бундай таъриф Е.А. Суханов томонидан берилган бўлиб, унга кўра мулк ишлаб чиқарилган моддий неъматларни ўзлаштиришнинг ижтимоий шакли ҳисобланади. Бунда моддий неъматларни ўзлаштирганлик ҳолатини ҳар қандай шахснинг эрки (иродаси)дан мустақил равишда, фақатгина ўз хоҳишига кўра ва ўз манфаатларини кўзлаган ҳолда ашёлар, моддий неъматлар, мол-мулклардан фойдаланиш деб тушуниш зарур.

Бинобарин, хусусий мулкдорлар бўлиб мол-мулк ва бошқа объектларни ўзлаштириш ҳамда уларга нисбатан юридик ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли бўлган субъектлар ҳисобланади. ФКда хусусий мулк турларининг субъектлар бўйича таснифланиши ўзига хос илмий асосга эга. ФК 208-моддасига кўра хусусий мулк ҳуқуқи субъектлари сифатида фуқаролар билан биргаликда хўжалик ширкатлари ва жамиятлари, кооперативлар, жамоат бирлашмалари, ижтимоий фондлар ва давлатга қарашли бўлмаган бошқа юридик шахслар эътироф этилади. Фуқаролар мулк ҳуқуқи бўйича тадқиқот олиб борган Е.И. Гена ҳам мулк шакллари ва хусусий мулк турлари ривожланиши бошқа омиллар билан биргаликда, жумладан субъектлар бўйича дифференциялашувига боғлиқ эканлигини таъкидлайди.

Амалдаги фуқаролик қонунчилигига кўра хусусий мулк қаторига юқорида қараб чиқилган иқтисодий мазмунга эга бўлган одатдаги хусусий мулк, яъни фуқаролар хусусий мулки билан биргаликда барча нодавлат юридик шахсларнинг мулки ҳам киритилади. Демак, бугунги кунда хусусий мулк ҳуқуқи ҳар қандай хусусий шахслар (фуқаролар, нодавлат юридик шахслар) томонидан амалга ошириладиган ўзлаштиришни англатувчи умумий тушунча сифатида гавдаланади.

Таъкидлаш лозимки, ФК мулк шаклларини қонун томонидан белгилашда “Мулкчилик тўғрисида”ги қонунда қўлланган тамойиллардан анчагина “узоққа кета олди” ва бу билан бутун маданий дунёда эътироф этилган стандартларга амал қилинганлигини эътироф этиш лозим. Маълумки, республика қонунчилигида хусусий мулк тўғрисидаги дастлабки меъёрлар 1990 йил 31 октябрдаги «Мулкчилик тўғрисида»ги қонунда ўз аксини топган эди. Унда хусусий мулк даромад олиш мақсадида мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни

тасарруф этиш ҳуқуқини ифодалайди, дейилган таъриф фуқаролар мулки деб аталадиган бўлимда берилиб, ўз навбатида фуқаролар мулки шахсий ва хусусий мулкларан иборат бўлишлиги белгилаб қўйилди. Даромад олиш мақсади шахсий ва хусусий мулкларни бир-биридан ажратувчи муҳим белги сифатида эътироф этилди. 1993 йил 7 майдаги қонунга киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар юқорида хусусий мулкка берилган таърифдан “узокқа кетмади”. Гарчи шахсий мулк тўғрисидаги меъёрлар қонундан чиқариб ташланган бўлса-да, хусусий мулк фақатгина мулкдорнинг ишлаб чиқариш жараёнида ва (ёки) ёлланма меҳнатни қўллашда шахсан бевосита иштирок этишга асосланиши назарда тутилди. Бу ерда хусусий мулк ҳуқуқини қўлланиш доираси чекланиши амалга оширилганлигини кўриш мумкин. Хусусий мулк ҳуқуқи субъектлари қаторида юридик шахслар тушириб қолдирилган эди. Шу сабабли юқоридаги ўзгаришлардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси «Мулкчилик тўғрисида»ги қонунининг янги таҳрири ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Унда авваламбор мулк шакллари соҳасида эски иттифоқ давридан қолган бўлинишни бекор қилиб, ФК меъёрларига мос ҳолга келтириш ва хусусий мулк муносабатларини кенг йўсинда тартибга солиш лозим.

1.2 Фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқининг тушунчаси ва мазмуни

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида фуқароларнинг мулкӣй мақомида ҳам ўзгаришлар юз берди. Аини вақтда, фуқароларга уларнинг мол-мулки хусусий тарзда тегишли эканлиги белгиланиб, қонун чиқарувчи томонидан хусусий мулкнинг бир шакли сифатида эътироф этилди (ФКнинг 208-моддаси).

Эндиликда фуқароларнинг хусусий деб номланувчи мулкнинг шаклланиш манбалари ва кўриниш шакллари давр руҳига монанд равишда ўзига хос тарзда намоён бўлмоқда. Ҳозирги кунга келиб, фуқаролар хусусий мулкни ҳосил бўлишининг асосий манбалари улар томонидан амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолияти ҳисобланиб, бу борада энг асосий ва етакчи мавқеига

айланиши кўзда тутилгандир. Тадбиркорлик фаолиятининг республикамиздаги иқтисодий ривожланишдаги тутган ўрнини баҳолаб И.А.Каримов “стратегик жиҳатдан олганда, биз кўп укладли иқтисодиётни вужудга келтириш вазифасини кўймоқдамиз. Бунда устуворлик хусусий мулкка, кичик ва ўрта бизнесга берилади”³⁴ деб таъкидлайди.

Фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқининг вужудга келиши моддий неъматларни якка тартибда ўзлаштириш асосида содир бўлади. Фуқаролар томонидан якка тартибдаги ўзлаштириш шакли ҳар хил иқтисодий муносабатлар натижасида амалга оширилиши мумкин. Проф. Ю.К.Толстой фуқаролар томонидан якка тартибдаги ўзлаштириш шаклининг фуқаролар томонидан амалга ошириладиган тўрт усулини келтиради: биринчидан, фуқароларнинг ёлланма ишчи сифатида турли хилдаги мулк шаклларига асосланган корхоналардаги меҳнат фаолияти натижасида; иккинчидан, фойда олиш мақсадига қаратилмаган хусусий иқтисодий фаолияти асосида; учинчидан ўз меҳнатига асосланган тадбиркорлик фаолияти орқали; тўртинчидан, ёлланма меҳнатни жалб этишга асосланган тадбиркорлик фаолияти натижасида³⁵. Проф. Ю.К.Толстойнинг ушбу таснифи эркин бозор иқтисодиёти шароитидаги фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқининг иқтисодий мазмунини очиқ беради. Фуқароларнинг ўз меҳнатига асосланган тадбиркорлик фаолияти ўзининг ёки ижарага олинган ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш натижасида амалга оширилади. Бундай фаолият тури юридик шахс ташкил этмасдан, якка тартибдаги тадбиркорлик сифатида ёки юридик шахс ташкил этилган ҳолда олиб борилади (ФКнинг 24, 18-моддалари) Мулкдорнинг бевосита ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этмасдан, ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланишда ёлланма меҳнатни жалб этиш натижасида ишлаб чиқарилган маҳсулотни ўзлаштириш ёлланма меҳнатни жалб этишга асосланган тадбиркорлик фаолияти натижасида амалга оширилади. Тадбиркор бундай фаолият тури билан ҳам юридик шахс ташкил этиб ёки ташкил этмасдан шуғулланиши мумкин.

³⁴ Каримов. И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1997. – 197 б.

³⁵ Гражданское право. Учебник. Под.ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого. - М.: ТЕИС, 1996.-С.332.

Қонунда ушбу фаолият турларининг бирини иккинчисига ўтиши учун ҳеч қандай тўсиқлар қўйилмаган, балки бундай ўзгаришлар рағбатлантирилади, чунки меҳнат ва маблағ юқори иқтисодий фойда ва ижтимоий самара берувчи томон ҳаракатланиши керак.

Фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқининг вужудга келишини ўзлаштириш жараёнида фуқароларнинг фаоллиги билан характерланадиган юқорида кўрсатилган асослардан ташқари яна умумлаштирилган ижтимоий фондлардан фуқароларга нафақа, ижтимоий ёрдам сифатида хайрия ташкилотлари ва тегишли давлат органлари томонидан ажратиладиган тўловларни ҳамда умумфуқаролик асосида, яъни акцияга тўланадиган дивидендларни, банкка қўйилган маблағ ҳисобидан олинган фоизларни, ҳада сифатида олинган мол-мулкни, мерос тариқасида қўлга киритилган мол-мулкни эътибордан четга чиқармаслик лозим. Ҳозирги вақтда умумфуқаролик усуллариининг аҳамияти ортиб бормоқда.

Кўпгина ҳуқуқий адабиётларда фуқаролар мулкни ҳосил бўлиш манбаларига қараб ажратиш характерлидир. Е.А.Суханов фуқаролар мулкни ҳосил бўлиш манбасига қараб шахсий мулк, майда хусусий мулк ва хусусий мулкка ажратади³⁶. Ч.Н.Азизов фуқаролар якка тартибдаги фаолияти³⁷ асосида юзага келадиган мулкни ҳам фуқароларнинг алоҳида мулки ёки меҳнат-хусусий мулки деб таъкидлашади³⁸.

Фуқароларнинг хусусий мулк муносабатлари мулк ҳуқуқи институтини ташкил этувчи ҳуқуқий нормалар тизимида ўзининг юридик ифодасини топади ҳамда фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқи тарзида намоён бўлади. Фуқароларнинг хусусий мулк ҳуқуқига бериладиган таърифда, улар томонидан якка тартибдаги ўзлаштиришнинг ҳамма томонлари қамраб олиниши лозимдир. Олдинги даврларда бўлганидек, фуқароларнинг хусусий мулк ҳуқуқига таъриф берилганда фақатгина ёлланма меҳнатни қўллаш асосида вужудга келади деб кўрсатиш ноўрин бўлиб, унинг тўлиқ юридик ҳажмини очиб бермайди. Ишлаб чиқариш жараёнида ёлланма меҳнатни қўллаш хусусий мулкнинг алоҳида белгиси

³⁶ Суханов Е. Лекции о праве собственности. - М.: Юрист, 1991.- С. 135.

³⁷ Собик СССРда мавжуд бўлган кейинчалик эса тадбиркорлик тўғрисидаги қонун билан бекор қилинган.

³⁸ Азимов Ч.Н. Природа источников индивидуальной трудовой деятельности. Правоведение. 1989. №3. – С.3.

ҳисобланмайди.

Демак, фуқароларнинг хусусий мулк ҳукуки фуқаронинг қонун ҳужжатларига мувофиқ тарзда қўлга киритган мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб хусусий тарзда эғалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидир. Мазкур таъриф фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқининг объектив маъносини беради. Бунда фуқаролар хусусий мулки билан боғлиқ бўлган ҳамма муносабатлар қамраб олинади ва уларни ҳуқуқ нормаларида мужассамлашганлигини белгилаб беради. Таърифда қонунга мувофиқ ҳолда қўлга киритилган мол-мулк деб кўрсатилди. Бундай асослар нималардан иборат? Фуқаролар ФКнинг 182-моддасига мувофиқ меҳнат фаолияти; мол-мулкидан фойдаланиш соҳасидаги тадбиркорлик ва бошқа хўжалик фаолияти; мол-мулкини яратиш, кўпайтириш, битимлар асосида қўлга киритиш; давлат мол-мулкини хусусийлаштириш, мерос қилиб олиш; эғалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат ва қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа асосларда мол-мулкни қўлга киритадилар (бу ҳақда кейинги бобда батафсил тўхталамиз.)

Ҳуқуқий адабиётларда фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқини шахсий мулк ҳуқуқи ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи фуқароларнинг мулк ҳуқуқига ажратиш ҳам учрайди³⁹. Бизнинг фикримизча, бундай тарзда фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқининг ажратилиши ноўриндир. Бу ерда ажратишга асос сифатида мулк ҳуқуқи эмас, балки фуқарога тегишли бўлган мол-мулкнинг қўлланилиши олинган. Бироқ фуқароларга тегишли бўлган мол-мулкка эғалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш борасида мулкдорнинг ҳуқуқларини чеклашга қаратилган эски қонунчиликдан фарқли равишда, бугунги кунда бундай чекловлар ўрнатилмаган. Шу сабабли фуқаро ўзига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ҳар қандай мол-мулкни шахсий истеъмол ҳамда тадбиркорлик фаолияти мақсадида фойдаланишга ҳақлидир. Мол-мулкнинг турли-хил шакллари ўртасидаги аниқ чегарани ундан фойдаланишнинг қўлланиш хусусиятига қараб ўрнатиш деярли мумкин эмас. Ўртадаги фарқ шартли равишда мулккий жавобгарлик ҳажми бўйича ўрнатилиши мумкин.

³⁹ Гражданское право. Т.1. // Отв. ред. Е.А. Суханов. - М.: БЕК, 1994. - С. 213-214.

Юридик шахс ташкил этмасдан якка тартибда тадбиркор сифатида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган фуқаро ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига қарашли бўлган бутун мол-мулки билан жавоб беради. Фуқаронинг мажбурияти юзасидан ундирув унинг шахсий мулкига, умумий мулкидаги ҳиссасига, эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мулкига қаратилиши мумкин. Агар тўлиқ ёки коммандит ширкат иштирокчиси бўлган фуқаронинг шахсий мажбуриятлари юзасидан қарзини ундириш учун мол-мулки етарли бўлмаса, ундирувни тўлиқ ёки коммандит ширкат мулкидаги унинг ҳиссасига қаратилишига йўл қўйилади. Фуқаронинг ва унинг қарамоғида бўлган шахсларнинг моддий-маиший эҳтиёжларини таъминлаш мақсадида ундирув уларни кундалик ҳаёти учун зарур бўлган мол-мулкига нисбатан қаратилмайди.

Фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқининг ривожини учун Асосий қонунимизнинг 53-моддаси 2-қисмидаги хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида эканлиги тўғрисидаги тамойил, ФКнинг¹ моддасида фуқаролик қонун ҳужжатларининг асосий негизларидан бири бўлган хусусий ишларга бирор-бир кишининг ўзбошимчалик билан аралашшига йўл қўйилмаслиги, фуқаролик ҳуқуқларини тўсқинликсиз амалга ошириш, бузилган ҳуқуқларнинг тикланиши, уларни суд орқали ҳимоя қилинишини таъминлаш тамойилларига қатъий тартибда риоя қилишлик, улар томонидан ҳуқуқларини ва фаолиятларини амалга оширишда давлат органларининг ноқонуний аралашувидан ҳимоя қилиш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этиб, уни бошқа мулк шакллари билан тенг шароитларда ҳимоя қилинишини кафолатлайди. Бундан ташқари фуқароларнинг хусусий мулкига замонавий тус бериб, уни мулкдорларнинг манфаатларини тўлақонли равишда қондиришини таъминлашга йўналтирилиши ҳамда жамият ва бошқа фуқароларнинг манфаатларига зарар келтирилмаслиги лозим бўлади. Мана шу вазифалар фуқаролар хусусий мулк муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишининг асосий мазмунини белгилаб бериши керак.

Жамиятда фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг асосий объекти мулк

хисобланар экан, мулкдорлик ҳуқуқини эътироф этиш табиийдир⁴⁰. Фуқароларнинг хусусий мулк ҳуқуқи асосида мол-мулкка эга бўлишлари уларнинг ФКнинг 18-моддасида назарда тутилган асосий ҳуқуқ лаёқатларидан бири саналиб, бутун ҳаёти давомида улардан ажралмайди. Қонунда назарда тутилган ҳолларда мерос қолдирувчининг ҳаётлик пайтида ҳомила ҳолида бўлган ва мерос олингандан сўнг тирик туғилган болалар мерос асосида мулк ҳуқуқига эга бўлишлари мумкин (ФКнинг 1118-моддаси). Конституциянинг 36-моддасида ҳам ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақлилиги кўрсатилган. Кўпгина дунёвий давлатларнинг ички қонунчилигига трансформация қилинган Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясида мулк ҳуқуқи инсонга тегишли бўлган узвий ҳуқуқлардан бири сифатида эътироф этилиб “ҳар бир инсон якка ўзи ёки бошқалар билан биргаликда мулкка эгалик қилиш соҳибидир. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан ўз мулкидан маҳрум қилиниши мумкин эмаслиги” қайд этилган (11-модда)⁴¹. Ғарб мамлакатлари дунёсида эса мулк ҳуқуқи шахсларнинг яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик каби табиий ҳуқуқлари доирасига киритилади.

Ҳозирги кунда индивидуал мулк формаларининг тараққиёти хусусий мулк билан характерланади. Бунда юридик тартибга солиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у мулккий муносабатларнинг туб моҳиятини очиб беради⁴². Хусусий мулк иқтисодий муносабат сифатида маълум ҳуқуқий шаклга эга бўлиши зарур. Ҳуқуқий шаклга эга бўлишлиги мол-мулкнинг қатъий кимга тегишлилигини, ўзга фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг мулкдорга тегишли бўлган мол-мулкга дахл этмасликларини, мулк ҳуқуқи бузилган тақдирда уни қай тартибда ҳимоя қилиш усуллари белгилаб беради. Мол-мулкнинг кимга тегишли эканлигини белгилаш фуқаролик муомаласида ҳам катта аҳамиятга эга. Чунки томонлар ҳақиқатан ҳам мулкдор ашё устидан хўжалик ҳукмронлигини амалга ошираётганига ишонч ҳосил қилишлари лозим⁴³.

⁴⁰ Зокиров И., Баратов М. Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати. -Т.: - Адолат.: 1998. – 9 б.

⁴¹ Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясига шарҳлар. - Т.: - Адолат.: 1999. – 40 б.

⁴² Азизов Х.Т. Фуқароларнинг хусусий мулк ҳуқуқи объектлари. - Т.: 1994. – 34 б.

⁴³ Маттен У., Суханов Е.А. Основные положения права собственности. - М.: Юрист, 1999. – С.31.

Фуқаролик ҳуқуқининг энг муҳим ва марказий институтларидан бири мулк ҳуқуқидир. Мулк ҳуқуқи асосий ашёвий ҳуқуқ сифатида мутлақ ҳуқуқий муносабат элементи ҳисобланади⁴⁴. Мулк ҳуқуқини мутлақ ҳуқуқий муносабат деб саналишининг асосий сабаби, мулкдор ўз ҳуқуқларини амалга ошириш жараёнида унинг ҳуқуқларини бузмасликка мажбур бўлган чекланмаган доирадаги шахсларнинг мавжудлигидадир. Чунки уларнинг ҳар бири мулкдор ҳуқуқларига дахл этиши мумкин. Мулкдор ҳуқуқларини ҳар қандай турдаги бузилишлардан, чеклашлардан абсолют тарзда ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида мулк ҳуқуқи мутлақ ҳуқуқий муносабатлар сифатида эътироф этилган. Собиқ совет даври қонунчилигида мулк ҳуқуқига нисбатан “қонун билан белгиланган доираларда” кўплаб чекловларнинг мавжудлиги ўша даврда мулк ҳуқуқи мутлақ ҳуқуқий муносабат характериға эға бўлганлиги бизда шубҳа уйғотади. Бундай қонун билан белгиланган доиралардаги чекловлар, айниқса фуқаролар шахсий мулки борасида яққол ўз ифодасини топган эди. Аслида эса, мулккий муносабатларни ҳуқуқий тартибға солишнинг асосий вазифаси мулкдорнинг ўз мол-мулкиға нисбатан мутлақ ҳуқуқини амалға оширишни таъминлашдан иборат бўлишлиги керак.

Жаҳондаги кўплаб ривожланган давлатларнинг фуқаролик қонунчилигидаги ижобий томонларини эътиборға олинган ҳолда ишлаб чиқилган ФКда мулк ҳуқуқига аввалги қонунчиликда берилган тушунчалардан тубдан фарқ қилувчи янги тушунча берилиши натижасида мулккий ҳуқуқлар ижобий ҳал этилди. ФКнинг 164-моддасида мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эғалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир. Мулк ҳуқуқи муддатсиздир деб белгиланди. Мулк ҳуқуқининг муддатсиз амал қилинишининг белгиланиши қонунчилигимиздаги муҳим янгиликлардан ҳисобланади. Собиқ иттифоқ давридаги ва Ўзбекистон Республикасининг “Мулкчилик тўғрисида”ги қонунларида ҳам бундай меъёр кўрсатилмаган эди. Мулк ҳуқуқининг муддатсиз

⁴⁴ Толстой Ю.К. К теории правоотношения. - Л.: ЛГУ, 1959. – С. 69.

равишда амал қилинишининг аҳамияти тўғрисида акад. Ҳ.Раҳмонкулов қуйидагиларни кўрсатади “мулк эгаси ўз мулкидан абадий фойдаланиши, ўз мулк ҳуқуқини хоҳлаган вақтда тасарруф қилиш ҳуқуқига эга бўлади... ҳеч ким мулкдорга ўз мулкни эгаллаб туриш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш учун муддат белгилаш ҳуқуқига эга эмас”⁴⁵. Бироқ мулк ҳуқуқи муддатсизлигининг ўрнатилиши уни тугатилмаслигини англатмайди. Мулк эгаси тасарруф этиш ҳуқуқини амалга ошириб, яъни шартномага асосан ашёни ўзга шахснинг мулкига топшириши ва бошқа йўллар билан мулк ҳуқуқини мустақил тарзда тугатишга ҳақлидир.

Мулкнинг дахлсизлиги ва қонун билан кенг кўламда муҳофаза этилишининг белгилаб қўйилиши мулк ҳуқуқининг мутлақ ҳуқуқий муносабат сифатида гавдалантиради. Мулкнинг дахлсизлигини таъминлаш учун мулкдорга қарши турган барча субъектлар унинг мулк ҳуқуқини бузмасликлари лозим бўлади.

Фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқи мазмунини ташкил этувчи муҳим ҳуқуқлардан бири эгалик қилиш ҳуқуқидир.

Мулкдорнинг эгалик қилиш ҳуқуқи турли ҳуқуқ тизимларида ўзига хос равишда талқин этилади. Хусусан, Рим хусусий ҳуқуқида эгалик қилиш (владение, *posisio*) ва ушлаш (держание, *detentio*)га ажратилган. Эгалик қилиш учун Рим хусусий ҳуқуқи бўйича қуйидаги икки элемент: объектив, яъни шахснинг ашё устидан фактик ҳукмронлигига (*corpus possessionis*) ва субъектив (*animus possessionis*) мулкдорнинг эгалик қилиш хоҳиши, яъни ашёни ўзи учун эгалик қилиш мақсади бўлиши талаб этилган. Аксинча, ўзга шахснинг номидан ашё устидан фактик ҳукмронликни амалга оширувчи шахслар, оддий ушлаб турувчилар ҳисобланиб эгалик қилувчини ҳимоя қилиш воситаларидан фойдаланишмаган⁴⁶.

Рим хусусий ҳуқуқининг асосий тамойилларига таянган кўпгина мамлакатларнинг фуқаролик қонунчилигида ашёга нисбатан фактик муносабат

⁴⁵ Раҳмонкулов Ҳ. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. - Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1997. - 314 б.

⁴⁶ Венедиктов А.А. Государственная социалистическая собственность. – М.-Л.: Изд. АнСССР, 1948. -С.565, Новицкий И.Б. Основы римского гражданского права. - М.: Госюриздат, 1970. -С. 91-93.

сифатида эгалик қилиш тарихан мулк ҳуқуқини вужудга келишига олиб келган. Чунончи, Француз Фуқаролик кодексининг 2228-2235-моддаларида ва Германия Гражданлик Тузуқларининг 854-872 параграфларида эгалик қилиш ашёвий ҳуқуқнинг мустақил институти ҳисобланади⁴⁷. Бизнинг фуқаролик ҳуқуқ тизимимизда эса эгалик қилиш ҳуқуқи мулкдорга тегишли ҳуқуқлардан бири сифатида кўрилади.

Ҳуқуқий адабиётларда эгалик қилиш ҳуқуқининг мазмунини очиб беришга қаратилган турли хил доктринал қарашлар мавжуд.

Проф. О.С.Иоффе эгалик қилиш ҳуқуқини “ашёни эгаллаш факти” деб тушунади⁴⁸. О.С.Иоффенинг ушбу фикрини танқид остига олган Ю.К.Толстой “субъектив мулк ҳуқуқининг таркибий қисми сифатида ваколатли шахснинг муайян ҳуқуқий таъминланган хатти-ҳаракатни содир этиш имкониятидир. О.С. Иоффе эгалик қилиш ҳуқуқини иқтисодий маънодаги эгалик қилиш билан аралаштириб юборган” дейди⁴⁹. С.М.Корнеевнинг таъкидлашича, эгалик қилиш ҳуқуқи-қонунга асосланган ашёни эгаллаш бўлиб, унга хўжалик таъсир этиш имкониятини беради⁵⁰. С.М.Корнеев томонидан берилган бу тушунчада эгалик қилиш ҳуқуқининг асл мазмунини англатувчи “хукмронлик” белгиси кўрсатилмасдан, балки унинг ўрнига таъсир этиш ибораси қўлланилган. Бизнинг фикримизча, таъсир этиш ибораси эгалик қилиш тушунчасининг мазмуни тўлиқ даражада очиб беролмайди, чунки аксарият ҳолларда мол-мулкка эгалик қилмаётган, балки фақат фойдаланаётган шахслар ҳам унга таъсир этишлари мумкин.

Проф. Ю.К.Толстойнинг эгалик қилиш ҳуқуқи тўғрисидаги қарашларини икки даврга бўлиш мумкин. Биринчи даврда эгалик қилиш ҳуқуқини у шахснинг ашё устидан фактик хукмронлиги мазмунидаги талқинини нотўғри деб баҳолаб, “бу тушунча инсоннинг ашёга нисбатан муносабати ҳақидадир, ўз навбатида, ҳуқуқий муносабатлар фақатгина инсонлар ўртасида содир бўлади, шу сабабли

⁴⁷ Французский Гражданский Кодекс 1804 года. - М.: Изд. НКЮ СССР, 1941. - С. 226., Эннекцерус Л. Курс германского гражданского права. Т. 2. - М.: Инлит, 1950. -С. 248.

⁴⁸ Иоффе О.С. Советское гражданское право. - М.: Юрлит, 1958.- С.272.

⁴⁹ Толстой Ю.К. Понятие права собственности // Проблемы гражданского и административного права. - Л.: Изд. ЛГУ, 1962. -С.185.

⁵⁰ Гражданское право. Учебник. Т. 1.- М.: Юрлит, 1969.- С. 65.

эғалик қилиш ҳуқуқини шахснинг ашё устидан фактик ҳукмронлиги сифатида караш мумкин эмас”, деб таъкидлаган⁵¹. Бироқ кейинги даврда Ю.К.Толстой ўз фикрини ўзгартириб эғалик қилиш ҳуқуқи-шахснинг ашё устидан юридик таъминланган хўжалик ҳукмронлик қилиш имкониятидир”, деб ёзади⁵². Бугунги кунда ҳам Ю.К.Толстой ушбу фикр тарафдори⁵³.

Н.Д.Егоров “эғалик қилиш ҳуқуқи мулкдорга ашёни ўз хўжалик ҳукмронлиги доирасида ушлаб туриш имкониятини беради”, деб кўрсатади⁵⁴. Бу тушунча қисқа берилган бўлиб, эғалик қилиш ҳуқуқини тўлиқ мазмунини очиб беролмайди. Х.Т.Азизов эғалик қилиш ҳуқуқи шахсларнинг мол-мулкни ўз қўлларида ушлаб туриш имконияти бўлиб, уни ўз хўжалик ҳисобига киритади деб таъкидлаб, келтирган тушунчаси шарҳида ... шу мол-мулклар шахснинг қўлида эканлигини кўрсатиб, бошқа шахслар унга бегона сифатида туриши зарур дейди⁵⁵. Х.Т.Азизов шарҳида эғалик қилиш ҳуқуқи билан мулк ҳуқуқини ўзаро тенг бўлган тушунчалар доирасига келтириб қўйган.

Шунингдек, ҳуқуқий адабиётларда эғалик қилиш ҳуқуқининг мазмунини очиб беришда “ҳукмронлик” атамасини қўллашлик масаласи юзасидан ҳар хил фикрлар билдирилади. Проф. А.А.Рубанов эғалик қилиш ҳуқуқига тушунча беришда ҳукмронлик атамасини ишлатишни танқид қилиб, “ҳукмронлик фақат инсонлар устидан бўлиши мумкин, чунки улар эрк-иродага эгадир”, деб ёзади⁵⁶. Худди шундай нуқтаи назарни проф. Я.М.Магазинер ҳам илгари суриб, “ашёлар устидан шахсларнинг ҳукмронлигини фақат кўчма маънода тушуниш керак”, дейди⁵⁷. Бизнинг фикримизча, ҳукмронликни фақат инсонлар устидан бўлади ва ашё устидан бўладиган ҳукмронлик том маънодаги ҳукмронлик бўлмасдан кўчма маънодаги ҳукмронлик деб тушуниш нотўғридир. Ҳукмронлик ашёлар устидан ҳам бўлади. Мулкдор томонидан ашёларнинг хўжалик жараёнидаги ишлатилиши

⁵¹ Толстой. Ю.К. Содержание и гражданско-правовая защита права собственности в СССР. – Л.: ЛГУ, 1955. С.51.

⁵² Толстой Ю.К. Понятие права собственности // Проблемы гражданского и административного права. - С. 187.

⁵³ Гражданское право. Учебник. Часть 1. // Под ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого. - М.: ТЕИС, 1996.- С. 296.

⁵⁴ Егоров Н.Д. Гражданско-правовое регулирование экономических отношений. - Л.: Изд. ЛГУ, 1986.- С..

⁵⁵ Азизов Х.Т. Кўрст. дисс. иши. -40 б.

⁵⁶ Рубанов А.А. Понятие владение в советском гражданском праве. Автореф. канд. дисс. -М.: 1956. -С. 10.

⁵⁷ Магазинер Я.М. Объект права // Очерки по гражданскому праву. - Л.: Изд. ЛГУ, 1957.-С. 67.

унинг хукмронлигидан далолат беради. Хукмронлик эрк-иродага эга бўлмаган ашёлар устидан ҳам амалга оширилиши мумкин бўлиб, бунда унинг юридик тақдири ҳал этилади.

Юқорида келтирилганларга асосланиб, эгалик қилиш ҳуқуқи – мол-мулкни ўз қўлида ёки унга нисбатан ўз ҳуқуқларини амалга ошириш имкониятини берувчи жойда сақлаб туриб, мулкдорга ашё устидан хўжалик хукмронлигини амалга оширишнинг юридик таъминланган имкониятидир.

Эгалик қилиш ҳуқуқи мулкдорнинг асосий ҳуқуқларидан ҳисобланади. У мулкдорнинг бошқа ҳуқуқлари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ушбу ҳуқуқларни амалга ошириши учун зарур восита ҳисобланади. Эгалик қилмасдан мол-мулкдан фойдаланиб бўлмайди, ашё шахс ихтиёрида бўлган ҳолларда уни тасарруф қила олади.

Эгалик қилиш ҳуқуқини аксарият ҳолларда ашёнинг мулкдори амалга оширади. Шунинг билан биргаликда, шартномада, қонунда назарда тутилган ҳолларда ушбу ҳуқуқ фуқаролик муомаласининг бошқа иштирокчиларига берилиши мумкин. Бундай ҳолларда эгалик қилиш мустақил ҳуқуқ сифатида қаралмайди, балки мулкдор бўлмаган шахсга тегишли бўлган мулккий ҳуқуқлар доирасига киради. Хусусан, эгалик қилиш ҳуқуқи ижара шартномаси бўйича ижарага олувчининг, гаров шартномаси бўйича гаровга олувчининг ҳуқуқлари таркибига киради.

Мулкдор бўлмаган шахснинг эгалиги вужудга келиш асосига кўра қонуний ва қонунсиз бўлиши мумкин. Ўз асосида бирор бир ҳуқуқий асос (титул)га эга бўлган эгалик қонуний эгалик қилиш деб топилади. Шу боис қонуний эгалик қилиш аксарият ҳолларда титулли эгалик қилиш деб юритилади. Титулли эгалик қилувчининг эгалик қилиш ҳуқуқи доимо мулк ҳуқуқидан ҳосила тарзида вужудга келади. Шунинг учун мулкдорга тегишли эгалик қилиш ҳуқуқини мулкдор бўлмаган шахсга ўтказиш учун бирор бир ҳуқуқий асос талаб этилади. Хусусан ижарачи, гаровга олувчи, мол-мулкни ишончли бошқарувчи титулли эгалик қилувчилар ҳисобланиб, уларнинг эгалик қилишлиги тегишли шартномаларга асосланган бўлади.

Ҳеч қандай бир ҳуқуқий асосга эга бўлмаган эгалик қилиш ноқонуний эгалик қилиш деб топилади. Революциягача бўлган рус юридик адабиётларида мулк ҳуқуқидан келиб чиқмайдиган эгалик қилиш муайян бир ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқарувчи юридик факт сифатида қаралган⁵⁸. Бизнинг қонунчилигимизда ҳам эгалик қилиш мулкдорнинг ҳуқуқларидан бири бўлиши билан биргаликда, юридик факт сифатида ҳам талқин этилган. Хусусан, ФКнинг 187-моддасига кўра эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат мулк ҳуқуқини вужудга келтирувчи асослардан бири ҳисобланади.

Эгалик қилишнинг мазмунини очиб беришда, адабиётларда унинг моддий ва иродавий томонлари алоҳида ажратиб кўрсатилади. Эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат асосида мулк ҳуқуқини қўлга киритишда эгалик қилувчида ушбу асосларнинг бирлиги талаб этилади. Эгалик қилишнинг моддий томони Д.И.Мейернинг кўрсатишича, “шахснинг ашё билан моддий алоқасида, яъни ўзининг хўжалик ҳукмронлиги доирасида ушлаб қолишда намоён бўлади. Шахснинг ашё билан моддий боғлиқлиги деганда шахсни ашё билан доимий алоқада бўлиб туришини тушунмасдан, балки шундай моддий боғлиқликни доимий равишда амалга ошириш имконияти тушунилади”⁵⁹.

Эгалик қилишнинг иродавий ёки Г.Ф. Шершеневич ибораси билан айтганда субъектив томони-“шахснинг ашё устидан ҳукмронлик ўрнатиш, ўзиникидек ҳис этиш, уни ўзлаштириб олиш мақсади билан характерланади”⁶⁰. Муаллиф томонидан келтирилган эгалик қилишнинг субъектив томонларини характерловчи белгилар орасидаги “ашё устидан ҳукмронликни ўрнатиши” бизнингча, унинг моддий томонини ташкил қилади.

Бизнинг фикримизча, фойдаланиш ҳуқуқи-ашёдан ишлаб чиқариш ёки шахсий истеъмол жараёнида унинг фойдали хусусиятларини, яъни ундан ҳосил, махсулот, даромад олишнинг юридик таъминланган имкониятидир. Бу тушунча қонунчиликда, ижтимоий-иқтисодий ҳаётда содир бўлган ўзгаришларни инобатга олган ҳолда фойдаланиш ҳуқуқининг юридик ҳажмини очиб беради. Олдинги

⁵⁸ Мейер Д.И. Русское гражданское право. Изданная по запискам слушателей. Под ред. Вицина А.И. – Спб.: 1902. -С 251.,Шершеневич Г.Ф. Учебник русского гражданского права. – Спб.: 1909. -С. 216.

⁵⁹ Мейер Д.И. Кўрс. асар. – 254 б.

⁶⁰ Шершеневич Г.Ф. Кўрс. асар. – 222 б.

конунларга кўра, фуқаролар ўзларига тегишли мулкларидан фақат моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш мақсадида фойдаланишлари биринчи ўринга қўйилган бўлиб, ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланишга, қонунда назарда тутилган айрим ҳоллардан ташқари, тақиқланган эди. Биз томонимиздан берилган таърифда эса мол-мулкдан шахсий мақсадларда фойдаланиш билан биргаликда ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиш ушбу ҳуқуқнинг муҳим жихати сифатида келтирилган.

Эндиликда фуқаролар ўзларига тегишли мол-мулкдан қонунда рухсат этилган иқтисоднинг турли тармоқларида фойда олиш мақсадини кўзлаб тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари мумкин. Ўз мол-мулкидан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш деб ёзади акад. Ҳ.Р.Раҳмонқулов-мулк эгасига берилган энг муҳим ҳуқуқлардан биридир⁶¹.

Фуқаролар тадбиркорлик фаолияти билан юридик шахс ташкил қилиб ёки якка тартибдаги тадбиркор сифатида шуғулланишлари мумкин. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, тоталитар сиёсат даврида, биринчидан, фуқароларнинг ўз мулклари асосида тадбиркорлик ва бошқа хўжалик фаолиятини амалга оширишга рухсат берилмас, иккинчидан эса бу жараёнда ёлланма меҳнатдан фойдаланиш қатъиян ман этилган эди. Ҳозирги кунда фуқароларнинг мулкдор сифатида ёлланма меҳнатдан фойдаланиш ҳуқуқларини қонун билан белгилаб қўйилиши, бу миллий қонунчилигимизда кўзда тутилган жиддий ва муҳим янгиликлардан биридир.

Фуқаролар ўзларига тегишли мол-мулкдан ўзгача, яъни ўз мол-мулкининг бир қисмини улуш ёки пай сифатида хўжалик ширкатлари ва жамиятларига, ишлаб чиқариш кооперативлари устав капиталига ҳисса тарзида қўшишлари ва ушбу тадбиркорлик тузилмаларининг олган даромадларидан қўшган ҳиссаларига мутаносиб равишда ўзларига тегишли улушни олиб фойдаланишлари мумкин. Маълумки, олдинги қонунчиликка кўра (1964 йилги ГКнинг 136-моддаси) фуқароларнинг давлат билан ёки кооператив ва бошқа жамоат ташкилотлари

⁶¹ Раҳмонқулов Ҳ.Р. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. -Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1996. - 350 б.

ўртасида умуман мулкнинг бирлашувига йўл қўйилмасдан, қонунда назарда тутилган усуллар билан тугатилган. Бундай тарздаги фуқароларнинг ўз мулкидан фойдаланишни чекловчи меъёрлар бекор қилиниб, янги қонунчиликка биноан фуқаро, давлат ва мулк ҳуқуқининг бошқа субъектлари ўртасида мулкнинг мавжуд бўлишига йўл қўяди. Мазкур йўсинда фуқароларнинг мол-мулкларидан фойдаланиш ҳуқуқларининг кенгайиши, ўз навбатида, уларнинг мулклари ҳосил бўлишининг ишлаб чиқариш характерининг ортишига хизмат қилади.

Фуқаронинг мулкидан фойдаланиши чекланмаган доирада бўлмасдан, балки қонунда ушбу ҳуқуқни амалга ошириш шартлари ҳам назарда тутилган (ФКнинг 172-моддаси). Мулкдор ўз ҳуқуқларини амалга ошириш вақтида бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги, атроф муҳитга зарар етказмаслиги ва бошқа қонунда кўрсатилган талабларга риоя этишлари лозим. Акс ҳолда мулкдорнинг бундай хатти ҳаракатларига нисбатан белгиланган чекловлар ўрнатилиши мумкин. Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган фуқаролар бозордаги устунлик мавқеини суистеъмол қилишга, монополиядан чиқариш ва рақобатни қўллаб қувватлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишга ва бошқа шаклларда ҳуқуқни суистеъмол қилишга ва уни мақсадига зид тарзда амалга оширишга йўл қўйилмайди.

Ривожланган жамиятда мулк ҳуқуқи тўғрисида таркиб топган умумий таълимотга биноан, мулк унинг эгаси учун фақат неъматгина бўлмасдан, балки бундай манфаатдорликнинг иккинчи томони бўлган мол-мулкни сақлаш вазифаси ҳамдир. ФКнинг 174-моддаси бўйича ҳам мол-мулкни сақлаш вазифаси, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мулкдорнинг зиммасида эканлиги белгиланган. Мол-мулкни сақлаш вазифаси нималардан иборат? Энг аввало, мулкдор ўзига қарашли турар-жойни ҳамда бошқа мулкларни капитал ва жорий таъмирлаши, ўзига қарашли кўчмас мол-мулкларни давлат рўйхатидан ўтказиши ва суғурта қилиши, мол-мулкларга хўжасизларча муносабатда бўлмаслиги, уларни сақлаш бўйича барча вазифаларни амалга ошириши, улар бўйича солиқларни ва тегишли тўловларни тўлаш ва бошқа

йўллар билан мол-мулкни ҳимоя қилишдан иборатдир. Қонун томонидан ўрнатилган умумдавлат солиқларини ва маҳаллий йиғимларни (шу жумладан мол-мулк солиғини) тўлаш фуқароларнинг конституциявий бурчларидан бири бўлиб (Конституциянинг 51-моддаси) конституцияда мулкдор ҳуқуқларининг кафолатланиши белгиланган меъёрлар каби муҳим аҳамият касб этади⁶².

Тасарруф этиш ҳуқуқи-фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқининг мазмунини ташкил этувчи энг муҳим унсурларидан биридир. Мулк ҳуқуқини тўлақонли равишда тасарруф этиш ҳуқуқисиз тасаввур этиб бўлмайди. Чунки ушбу ҳуқуқ мулкдорнинг субъектив мулк ҳуқуқини тўлалигича амалга ошириш имконини беради. Тасарруф этиш ҳуқуқида мулк ҳуқуқи том маънода ўз ифодасини топади.

Тасарруф этиш ҳуқуқи тўлиқ ҳажмда фақат мулкдорга тегишлидир. Бирок қонунда назарда тутилган ҳолларда ушбу ҳуқуқ фуқаролик муомаласининг бошқа иштирокчиларига ҳам берилиши мумкин (масалан, воситачига). Бундай вақтларда мулкдор бўлмаган шахсга тасарруф этиш ҳуқуқи тўлалигича топширилмасдан, балки мулкдор унга тасарруф этиш бўйича алоҳида ҳаракатларни амалга ошириш имкониятини беради; масалан, воситачи унга берилган ашёни фақатгина сотиш орқали тасарруф этишга ҳақли бўлиб, уни бошқача усуллар орқали тасарруф эта олмайди. Баъзи вақтларда тасарруф этиш ҳуқуқи мулкдор бўлмаган шахс томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин. Хусусан, мулкдорнинг қарзлари бўйича кредиторларнинг талабларини қондириш мақсадида унга тегишли бўлган мол-мулкни мажбурий тартибда сотиш орқали содир бўлади.

Тасарруф этиш ҳуқуқининг мазмуни фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқининг мазмуни билан боғлиқ бўлиб, мол-мулкдан мулкдорнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланади.

Мулкдор томонидан тасарруф этиш ҳуқуқи турли хил битимларни тузиш орқали амалга оширилади. Фуқаролар ўзларига тегишли мол-мулкни олди-сотди, ижара, қарз, ҳадя шартномаларини тузиш орқали тасарруф этадилар. Тасарруф этиш ҳуқуқини амалга ошириш усулларида бири сифатида қонун чиқарувчи

⁶² Арипжанов А.А. Конституционные основы права собственности. // Хозяйство и право. -1999. -№ 9. – С. 77.

мулкдорга мол-мулкни ишончли бошқарувга топшириш имкониятини алоҳида ажратиб кўрсатади (ФКнинг 849-моддаси). Бу шартнома тури қонунчилигимизда содир бўлган янгиликлардан ҳисобланади. Мол-мулкни ишончли бошқаришга топшириш мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқининг ишончли бошқарувчига ўтишига олиб келмайди. Балки мол-мулкни ишончли бошқариш хусусидаги шартноманинг тузилишидан кўзланган асосий мақсад мол-мулкни малакали бошқарувчига топшириш йўли билан мулк эгасининг ёки у кўрсатган учинчи шахснинг манфаати учун мол-мулкдан самарали фойдаланишдир. Шунга кўра, мулкдор билан ишончли бошқарувчи шахс ўртасида вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатлар мажбурият ҳуқуқий характерга эга. Биз таркибига кирувчи континентал ҳуқуқ системасидаги ушбу институт англо-американ ҳуқуқ системасидаги мавжуд ишончли мулк (trust) институтининг континентал ҳуқуқ тизимининг асосий тамойилларига мослаштирилган ва ўзгарган варианты ҳисобланади.

Фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқининг мазмунини ташкил қилувчи фойдаланиш ҳуқуқи ва тасарруф этиш ҳуқуқлари ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, баъзи вақтларда уларни бир-биридан ажратиш бир қатор қийинчиликлар туғдиради. Ҳозирги вақтгача ҳам юридик адабиётларда мулкдор томонидан ашёни бир марталик фойдаланиш натижасида йўқ бўлишига олиб келувчи истеъмол қилишда фойдаланиш ҳуқуқи ёки тасарруф этиш ҳуқуқининг амалга оширилиши баҳсли муаммолардан ҳисобланиб, цивилист олимлар томонидан турли хил фикрлар билдирилади.

Тасарруф этиш ҳуқуқини О.С. Иоффе кенг маънода тушуниб икки хил тасарруф этишни таклиф қилади, яъни фактик ва юридик ҳолдаги. Фактик тасарруф этишга О.С. Иоффе ашёни истеъмол қилинишини киритса, юридик тасарруф этишда эса ашёни сотиш, айирбошлаш ёки бошқа йўллар орқали соқит қилинишни назарда тутди⁶³. Муаллифнинг ушбу фикрларига қўшилиб бўлмайди, чунки тасарруф этиш фактик ҳолда амалга оширилмасдан, балки фақатгина юридик актлар воситасида содир бўлади.

⁶³ Иоффе О.С. Советское гражданское право. - Л.: Изд. ЛГУ. 1958. -С.272.

Тасарруф этиш ва фойдаланиш ҳуқуқини белгилашга доир масала бўйича проф. В.А. Рясенцев ўзига хос ўринни эгаллаб, қуйидагиларни кўрсатади: “Ашёдан фойдаланиш ҳамда уни истеъмол қилиш тасарруф этиш ҳуқуқи билан камраб олинади. Тасарруф этиш ҳуқуқи фақатгина юридик актлар ёрдамида амалга оширилади. Шунинг билан биргаликда ашёни истеъмол қилиш натижасида йўқ бўлиб кетишига олиб келадиган фойдаланиш юридик акт ҳисобланмайди, чунки мулкдорларнинг эрки ҳуқуқий муносабатларнинг тугатилишига йўналтирилмагандир. Ашё атайин йўқ қилинганда ёки ташлаб юборилганда мулкдор конклюдент шаклда эркини, яъни ўз мулк ҳуқуқини бекор қилишни ифодалайди⁶⁴.

Ю.К.Толстой ушбу муаммо хусусида фикр юритиб, хусусан, қуйидагиларни кўрсатади: “Ашёдан фойдаланиш жараёнида мулкдорнинг эрки мулк ҳуқуқини бекор қилинишига эмас, балки ундан фойдали хусусиятларини ажратиб олишга қаратилгандир. Шу сабабли мол-мулкни истеъмол қилиш жараёнида мулкни тасарруф қилиш ҳуқуқи эмас, балки фойдаланиш ҳуқуқини амалга оширади. Ашёни йўқ қилишга қаратилган актлар мулк ҳуқуқини бекор қилишга қаратилган бўлса-да, агар ушбу актлар мулкдорнинг эрки асосида ва қонун томонидан тақиқланмаган ҳолларда мулкдорга тегишли бўлган мулк ҳуқуқини амалга ошириш ҳисобланади. Шунингдек, мулкдор ашёни йўқ қилмасдан ташлаб юборган вақтларда мулк ҳуқуқини тасарруф этиш ҳуқуқи ёрдамида амалга оширади”⁶⁵. Биз ҳам муаллифнинг ушбу фикрига тўлиқ қўшилаемиз. Ҳақиқатан ҳам, мулкдор томонидан ашёни бир марталик фойдаланиш жараёнида йўқ бўлиб кетиши ва уни истеъмол қилмасдан бошқача усулларда соқит қилиш ёки ташлаб юбориш жараёнида унинг эрк-иродаси турли хил мақсадларга йўналтирилган бўлади. Биринчи ҳолда унинг эрки ашёни тасарруф этишга қаратилмасдан, балки унинг фойдали хусусиятларини олишга қаратилса, иккинчи ҳолда эса ашёни соқит қилиши унинг эрки асосида тузилган юридик актлар асосида тасарруф қилинади. Бу ерда мулкдорнинг эрки мулк ҳуқуқини бир томонлама бекор қилишга

⁶⁴ Советское гражданское право. Учебник Ч. I // Под ред. В.А.Рясенцева. - М.: Юрлит. 1986. -С.280.

⁶⁵ Толстой Ю.К. Понятие права собственности. // Проблемы гражданского и административного права. - Л.: ЛГУ, 1962. -С.190.

қаратилган бўлади.

Эндиги вазифа тасарруф этиш ҳукукини юридик таҳлил қилиб, унинг моҳиятини аниқлашдан иборатдир. Юридик адабиётларда тасарруф этиш ҳукукига нисбатан берилган доктринал тушунча ва таърифлар ҳам баҳслилиги, мунозаралилиги билан ажралиб туради.

Тасарруф этиш ҳукукида мулкдорнинг ашёнинг юридик тақдирини белгилаш имконияти тушунилади⁶⁶. Р.О.Халфина ва Н.Д.Егоровлар томонидан берилган таъриф умуман олганда тўғри ҳисобланса-да, бироқ мулкдорнинг мулкни тасарруф этишдаги ҳуқуқ доираси тўлиқ ўз ифодасини топмаган. Профессорлар С.М.Корнеев ва И.Б.Зокировларнинг фикрича, тасарруф этиш ҳуқуқи мулкнинг юридик тақдирини белгилашга, яъни мулк юзасидан бошқа шахслар билан бўладиган ҳуқуқий муносабатни белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳуқуқдан иборатдир⁶⁷. Билдирилган ушбу фикрларни Х.Т.Азизов илмий таҳлил қилиб, тўғри кўрсатган “бу тушунча кўпроқ ҳуқуқий муносабатни юзага келтирувчи битимлар тушунчасига яқин бўлиб, тасарруф этиш ҳуқуқининг юридик моҳиятини тўлиқ намоён этмайди”⁶⁸.

А.Г.Каплинанинг фикрича, тасарруф этиш ҳуқуқи ашёни тегишлилигини, ҳолатини ёки қўлланишини ўзгартириш йўли билан унинг юридик тақдирини белгилаш имкониятидир.⁶⁹

Бизнинг фикримизча, тасарруф этиш ҳуқуқи мулкдорнинг ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб ашёнинг тақдирини белгилашнинг юридик таъминланган имконияти бўлиб, ашёга нисбатан турли-хил юридик актларни содир этиш орқали амалга оширилади.

Фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқининг мазмунини ташкил этувчи эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқлари, яъни ўзига хос учлик (триада) бизнинг қонунчилигимизга Россия томонидан Туркистон ўлкаси забот этилганидан сўнг, империя қонунлари орқали кириб келди. Эгалик қилиш, фойдаланиш ва

⁶⁶ Халфини Р.О. Право личной собственности граждан в СССР. - М.: Изд. АН СССР, 1955. – С 147. Егоров Н.Д. Гражданско-правовое регулирование экономических отношений. - Л.: Изд. ЛГУ, 1986. - С.53.

⁶⁷ Гражданское право. // Под ред. Корнеева С.М. - М.: 1969. -С. 266, Зокиров И.Б. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи. - Т.: Адолат, 1996. - 138 б.

⁶⁸ Азизов Х.Т. Кўрс. дисс. - 44 б.

⁶⁹ Гражданское право Учебник. Ч.І. // Под ред. А.Г.Калпина и А.И.Масляева. - М.: Юристъ, 2000.-С.266.

тасарруф этиш (учлик) собиқ совет, ҳамда иттифоқ ўрнида ташкил топган барча давлатларнинг фуқаролик қонунчиликларида сақланиб қолинди.

Мулкдор ҳуқуқларининг рўйхати бошқа давлатларнинг қонунчилигида турлича белгиланиши билан характерланади. Хусусан, англо-американ ҳуқуқ тизимида асосланган мамлакатларда мулкдорнинг ҳуқуқлари ўндан ортиқ элементлардан ташкил топган. Инглиз ҳуқуқшуноси А.М.Оноре мулк ҳуқуқининг элементларини тадқиқ қилиб, уни қуйидаги ҳуқуқларга ажратади: эғалик қилиш (ашёларни батамом жисмоний назорат қилиш); фойдаланиш (ашёлардан шахсан фойдаланиш); бошқариш (ашёлардан ким томонидан ва қандай тарзда фойдаланиш мумкинлигига); фойда олмоқ (ашёлардан шахсан фойдаланиш орқали ёки бошқа шахсларга ундан фойдаланиш учун рухсат бериш орқали); ашёларни бошқалар ихтиёрига бериш, истеъмол қилиш, сарфлаб юбориш, ўзгартириш ёки йўқотиш; мол-мулкдан маҳрум қилинишдан дахлсизлик ҳуқуқи; ашёларни топшириш; муддатсизлик; ашёлардан зарарли равишда фойдаланишни тақиқлаш; жавобгарлик (қарз тўлови учун буюмларни тортиб олиш имконияти); бузилган қонуний ҳуқуқларни тиклаш⁷⁰.

Мусулмон ҳуқуқида эса мулкдорга тегишли бўлган ҳуқуқлар фойдаланиш (манфаат), эғалик қилиш (қабз), фойда олиш ҳуқуқи (таъмлик) ва тасарруф этиш бўлган⁷¹. Бундан мусулмон ҳуқуқидаги мулкдор ҳуқуқлари ҳозирги вақтдаги фуқаролик қонунчилигимизга асосан мулк эгаси таъминланадиган ҳуқуқларга максимал равишда яқинлиги кўриниб турибди.

Мулкдорга тегишли бўлган ҳуқуқларнинг бундай тарзда фарқланиши ушбу ҳуқуқ тизимларидаги мулк ҳуқуқи институтининг қурилиш механизми билан тушунтирилади. Мулк ҳуқуқига доир назарияларга биноан бизнинг қонунчилигимиздаги мавжуд мулк ҳуқуқининг қурилиш механизми мулк ҳуқуқининг элементар (оддий) моделига асосланган⁷². Унга кўра мулк ҳуқуқининг қурилиш механизми қуйидагича тушунтирилади “ягона ашёга нисбатан иккита

⁷⁰ Кикоть В.А. Современные тенденции и противоречие о праве собственности в развитых капиталистических стран (научно-аналитический обзор) // Актуальные проблемы современного буржуазного гражданского права. Сб. научно-аналитических обзоров. - М.: Юрлит, 1983. - С. 41-43.

⁷¹ Торнау Н.Е. О праве собственности по мусульманскому законодательству. - СПб.: 1882. - С. 57.

⁷² Рубанов А.А Кўрс. асар. - 43. б.

тўлақонли мулк ҳуқуқи мавжуд бўлмайди”.

Бунда мулк ҳуқуқининг фақатгина ягона субъектда бўлишлиги асосий тамойил сифатида эътироф этилиб, уни қандай шаклда бўлмасин бўлинишига йўл қўйилмайди. Шу сабабли ҳам мулкдорнинг ашёга нисбатан ҳуқуқларидан мулк ҳуқуқини ягона субъект амалга ошириши мумкинлиги тушунилади.

Юқорида фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқига берган тушунчамизда мулк ҳуқуқи улар томонидан ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб амалга оширади деб кўрсатилган эди. Ўз хоҳиши ва ўз манфаатларини кўзлаб амалга оширишнинг моҳияти нимадан иборат? Қонун чиқарувчи нима сабабдан мулк ҳуқуқига таъриф беришда ушбу тушунчалардан фойдаланган?

Таъкидлаш лозимки, мулкый-ҳуқуқий муносабатларнинг таснифи унинг мазмунини ташкил этувчи ҳуқуқлар билан чекланиб қолмайди. Юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, мулкдор ўзига тегишли бўлган ҳуқуқларни мулк ҳуқуқини йўқотмаган ҳолда бошқа шахсларга топшириши мумкин. Чунончи, ашё сақлашга топширилганда унга нисбатан омонат сақловчи эгалик қилади, ижарага олувчи ашёга эгалик қилади ва фойдаланади, воситачи эса ашёларга эгалик қилади ва тасарруф этади. Бироқ омонат сақловчи ҳам, ижарага олувчи ҳам, воситачи ҳам уларнинг эгалигида бўлган мол-мулкнинг мулкдори ҳисобланмайди. Барча ҳолларда мулк ҳуқуқи мулкдорга тегишли бўлиб қолаверади. Худди шундай вазият, қонунда назарда тутилган ҳолларда, мулкдор томонидан ўзининг мулк ҳуқуқи сақланган ҳолда барча ҳуқуқларни бошқа шахсга топширганда ҳам рўй бериши мумкин (масалан: мол-мулкни ишончли бошқарувга топширган ҳолларда) Шунингдек, мол-мулк хатланганда, ноқонуний эгалик қилувчининг қўл остида бўлган вақтларда ҳам мулкдор учала ҳуқуқдан маҳрум бўлса-да, юқорида келтирилган барча ҳолатларда бўлганидек мулк ҳуқуқини йўқотмайди. Буни А.В.Венедиктов “мулкдорнинг алоҳида ҳуқуқлари эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш-якка ҳолда ҳам, биргаликда ҳам мулк ҳуқуқининг тўлиқ ҳажмини ва моҳиятини ифода этмайди” деб кўрсатади⁷³. Шу сабабли мулкдор томонидан ҳуқуқлар қандай ҳажмда амалга оширилиши муҳим аҳамиятга эга.

⁷³ Венедиктов А.В. Государственная социалистическая собственность. – М-Л.: 1948. – С. 31.

Ғарбий Европа давлатларининг фуқаролик қонунчилигида мулкдорнинг уч асосий ҳуқуқлари билан биргаликда ёки уларнинг ўрнида мулк ҳуқуқини белгилашда, уни бошқа ашёвий ҳуқуқлардан ажратиш мақсадида кенг камровли, олий, тўлиқ, мутлақ каби ашё устидан ҳукмронликни таъминловчи бир қатор формал моментлар қўлланилади. Жумладан, Француз Фуқаролик кодексининг 554-моддаси мулк эгаси ўз ҳуқуқини “имконияти мутлақ ҳолда” амалга оширишини кафолатласа, Германия Гражданлик Тузуқлари ҳамда Швейцария Фуқаролик кодекси бўйича мулкдор “ўз хоҳиши” билан ҳуқуқларини амалга ошириш имкониятини белгилайди.

Қонунчилигимизда ифода этилган, мулк ҳуқуқининг мазмунини тўлдирувчи “ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб” мулкдор томонидан ҳуқуқларнинг амалга оширилиши совет даврига оид бўлган адабиётларда А.В.Венедиктов, О.С. Иоффе ва Ю.К.Толстойлар томонидан илгари сурилган. Улар ушбу тушунчаларни мулкдорнинг мол-мулкка бўлган ҳуқуқи билан мулкдор бўлмаган шахсларнинг мол-мулкка бўлган ҳуқуқлари ўртасидаги фарқни белгилайди деб таъкидлашади⁷⁴.

Ўз навбатида, Д.М.Генкин, С.Н.Братусь, С.М.Корнеев ва В.А.Рясенцев бошчилигидаги бир гуруҳ муаллифлар мулк ҳуқуқини “ўз хоҳиши” ва “ўз манфаатларини кўзлаб” амалга оширилишини мулк ҳуқуқининг тушунчасига киритилишига қарши чиқишган. Хусусан, С.Н.Братусь манфаатни, умуман, субъектив ҳуқуқнинг, шунингдек мулк ҳуқуқининг таркибига киритилишига эътироз билдириб таъкидлайди: “Манфаат субъектив ҳуқуқнинг моҳияти ҳисобланмасдан, балки мақсади ва шарти ҳисобланади, шу сабабли субъектив ҳуқуқнинг мазмунидан ташқарида туради”⁷⁵. Д.М.Генкиннинг таъкидлашича, эса, манфаат билан ҳар қандай субъектив ҳуқуқ боғлиқдир, ўз манфаати йўлида фақатгина мулкдор эмас, балки мулкдор билан шартнома асосида ашёга эгалик қиладиган шахслар ҳам ўз манфаати йўлида ҳаракат қилади⁷⁶.

⁷⁴ Венедиктов А.А. Кўрс. асар. 38-41-бетлар., Иоффе О.С. Советское гражданское право. - М.: Юрлит, 1967.-С. 361., Толстой Ю.К. Содержание и гражданско-правовая защита права собственности в СССР - Л.: ЛГУ, 1955. – С.46.

⁷⁵ Братусь С.Н. Субъекты гражданского права. - М.: Госюриздат, 1950. -С. 19-21.

⁷⁶ Генкин Д.М. Право собственности в СССР. -М.: Госюрлит, 1961. - С. 61-62.

Юқоридагиларга асосланиб, бизнинг фикримизча, мулк ҳуқуқининг тушунчасига “ўз хоҳиши” ва “ўз манфаатларини кўзлаб” мулк ҳуқуқини амалга оширилишининг киритилиши иккита муҳим муаммони ҳал этишга ёрдам беради; биринчидан, мулкдор билан мулкдор бўлмаган шахсларнинг мол-мулкка нисбатан бўлган ҳуқуқларини фарқлайди; иккинчидан эса, мулк ҳуқуқининг мутлақ муносабат эканлигини исбот этиб, мулкдор ўз ҳуқуқларини амалга оширишда тўла мустақил эканлигини англатади.

Мулк эгаси ўз манфаатларини кўзлаб ашёга эгалик қилади, ундан фойдаланади ва тасарруф этади. Юқорида келтирилган мисолларимизда ҳам омонат сақловчининг эгалик қилиши ҳам, воситачининг тасарруф қилиши ҳам, мол-мулкни ишончли бошқарувчининг эгалик қилиши, фойдаланиши ва тасарруф этиши ҳам ўзларининг манфаатлари йўлида эмас, балки мулкдор манфаатларини кўзлаган ҳолда амалга оширилади. Албатта, бу ерда кўрсатилган шахслар ўз манфаатларини кўзлаб ҳам ҳаракат қилишлари мумкин. Бироқ шундай ҳолларда ҳам мулкдор ҳуқуқлари ва бошқа шахсларнинг ўхшаш ҳуқуқлари ўртасида сезиларли равишдаги фарқ сақланиб қолади.

Мулк ҳуқуқининг бошқа ашёвий ҳуқуқлардан фарқи яна шундаки, мулкдор ўзига тегишли ҳуқуқларни ўз хоҳиши билан амалга оширади. Бу эса шуни англатадики, мулкдорнинг мол-мулк устидан бўлган хўжалик ҳукмронлиги (эрки) бевосита қонунга асосланади ҳамда ана шу мол-мулкка нисбатан бошқа барча шахсларнинг эркидан мустақил равишда мавжуд бўлади. Ўз навбатида мол-мулкка эгалик қилувчи қолган барча шахсларнинг эрки қонунга асосланиб қолмасдан, балки мулкдорнинг эркига ҳам боғлиқ бўлади. Шу боис улар мол-мулкка бўлган ҳуқуқларни ўз хоҳиши билан амалга ошира олмайдилар.

II БОБ. ФУҚАРОЛАР ХУСУСИЙ МУЛК ҲУҚУҚИНИ БЕКОР БЎЛИШ АСОСЛАРИ

2.1 Фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқини бекор бўлиш асосларига умумий тавсиф ва ихтиёрий тартибда бекор бўлишининг ўзига хос хусусиятлари

Фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқининг дахлсизлигини таъминлаш ҳозирда юқори эътиборни жалб этувчи муаммолардан ҳисобланади. Чунки, ўз мулкидан қонундан ташқари ҳолларда махрум этилиши фуқароларда бир қатор салбий қарашларни вужудга келтиради. Даставвал, уларда ҳар бир мулк эгаси учун муҳим бўлган мулкдорлик туйғусини сусайтирса, иккинчи томондан мулкдордан мол-мулкни ҳар қандай ҳолатда ўзидан олиб қўйилиши хавфи улардан имкониятига қадар самарали фойдаланишга тўсқинлик қилади. Бу масалага И.А.Каримов ҳам алоҳида эътибор қаратиб, “одам ўзини чинакамига мулкдор деб ҳис этмас экан, ўз ҳуқуқлари учун, пировард натижалар ва ишлаб чиқариш самарадорлиги учун мулкдор сифатида курашмайди” деб таъкидлайди⁷⁷. Шу боис ҳар бир ҳолатда фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқининг бекор бўлиши фақатгина қонунда назарда тутилган асосларга мувофиқ амалга оширилиши шарт. Замонавий ҳуқуқий тизимларда, деб ёзади У. Маттеи, мулкдор нафақат бошқа шахслар, балки давлат томонидан ҳам ўз ҳуқуқларини бузилмаслигидан қафолатланганлиги ҳуқуқ устунлиги концепциясининг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади. Бошқача айтганда, мулкни экспроприация қилиниши, унга хос бўлган сиёсий бўёқларига қарамасдан, қонун томонидан ўрнатилган тамойилларга риоя этилмасдан, ўзбошимчалик билан амалга оширилмаслиги керак. Ҳуқуқ индивидларни ва давлатни улар учун мажбурий бўлган доирада туришини таъминлаши лозим. Субъектив мулкый ҳуқуқни олиш тўғрисида қарор қабул қилган давлат сиёсий жавобгарликни ҳам ўз бўйнига олиши шарт⁷⁸. Муаллифнинг бу жараёнда давлат

⁷⁷ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. Т.: Ўзбекистон, 1997. - 196-197 б.

⁷⁸ Маттеи У, Суханов Е.А. Основные положения о праве собственности. – М.: Юристь, 1999, - С. 277.

ва мулкдор ўртасидаги муносабатлар фақат қонунга асосланиши лозимлиги хусусидаги фикрлари ибратлидир.

Мулк ҳуқуқи ўз моҳиятига кўра, нафақат энг кенг, балки барқарор ашёвий ҳуқуқ бўлиб, нормал мулкый муомаланинг асосий ҳуқуқий омили ва натижаси ҳисобланади. Шу боис мулк ҳуқуқининг барқарорлигини таъминлашда қонунда уни бекор бўлиш асосларини махсус равишда ўрнатилганлиги катта аҳамият касб этади ҳамда ФКнинг 1-моддасида ўрнатилган мулкнинг дахлсизлиги тамойилини амалда таъминлашга хизмат қилади. Умуман олганда, мулк ҳуқуқини бекор бўлиш асосларини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солинишидан асосий мақсад ҳам фуқаролар ва юридик шахсларнинг хусусий мулкни дахлсизлигини таъминлашга йўналтирилгандир.

Фуқаролик қонун ҳужжатларининг асосий негизларидан бири бўлган мулкнинг дахлсизлиги категорияси мулкый муомаланинг барқарорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутати. Мулк дахлсизлигининг аҳамияти шундаки, “гарчи шахсий мулк ҳуқуқининг ўзида ҳимоя этишнинг реал имконияти мавжуд бўлсада, бироқ бу ҳолат ҳуқуқ бузилиши содир бўлганда ўз-ўзидан, автоматик тарзда ҳимоя этилишини англатмайди. Ҳуқуқни ҳимоя этиш учун бундай имкониятдан ташқари бир қатор шартлар мавжуд бўлиши талаб этилади. Бир сўз билан айтганда, шахсий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш имкониятини ушбу ҳуқуқни фуқаролик ҳуқуқий ҳимоя қилишга айлантира оладиган ягона механизм зарур”⁷⁹. Бинобарин, мулкнинг дахлсизлиги фуқаролик ҳуқуқи ва умуман ҳуқуқий тартибот учун асоссолувчи аҳамият касб этади. Ҳар қандай ҳуқуққа ҳилоф тажовузлардан қай даражада мулк ҳуқуқининг ҳимоя қилиниши кафолатланганлиги билан фуқаролик муомаласининг барқарор амал қилиши чамбарчас боғлиқдир. Е.А.Сухановнинг ёзишича, “оммавий ҳамда хусусий мулкнинг дахлсизлиги тамойили мулкдорнинг ўзига тегишли мол-мулкдан ўз манфаатлари йўлида, уни ўзбошимчалик билан олиб қўйилишидан ёки фойдаланиш борасида турли чекловлар қўйилишидан хавфсирамасдан, фойдаланиш имконияти

⁷⁹ Цискадзе М.И. Гражданско-правовые гарантии защиты право личной собственности. Автореф...к.ю.н. – Тбилиси.:1989, - С. 11-12.

таъминланишини англатади”⁸⁰. Мулкнинг дахлсизлиги тамойилининг фуқаролик конун ҳужжатларининг асосий негизларидан бири сифатида эътироф этилиши мулккий муносабатларнинг барқарор амал қилишини таъминлайди. Шундай қилиб, мулк ҳуқуқи автоном тарзда эмас, балки мулккий муносабатларда намоён бўлиши сабабли, мулкнинг дахлсизлиги мазкур муносабатларни барқарорлигини таъминлаш зарурлиги натижасидир.

Фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқининг бекор бўлиши конунда назарда тутилган муайян бир юридик фактларнинг вужудга келиши билан содир бўлади. Ушбу юридик фактлар муайян ҳуқуқни бекор қилувчи ваколатли давлат органининг қарорлари, бевосита мулкдорнинг ҳаракатлари ва табиий ҳодисалардан иборат бўлади. Мазкур юридик фактлар содир бўлишининг асосий ҳуқуқий натижаси – мулк ҳуқуқининг бекор бўлишидир. Мулк ҳуқуқини бекор бўлишига олиб келувчи юридик фактларни таснифлашда мулкдорнинг эрки қай даражада ифода этилиши асосий омил ҳисобланади. Шунга кўра, мазкур жараёнда унинг эрки, хоҳиш-иродаси қандай ифода этилганлигига қараб ихтиёрий (мулкдорнинг эрки асосида) ва мажбурий (эрки, иродасидан ташқари) мулк ҳуқуқини бекор қилувчи юридик фактлар ажратилади.

Ихтиёрий тарзда мулк ҳуқуқи бевосита мулкдор томонидан амалга ошириладиган турли хил юридик ва фактик ҳаракатлар орқали бекор бўлади. Мулкдор ўзига тегишли мол-мулк юзасидан ўз хоҳишига кўра ва ўз манфаатларини кўзлаб турли хил ҳаракатларни амалга ошириши мумкин. У мол-мулкни бошқага сотиши, айирбошлаши, ҳадя қилиши ёхуд бошқача тарзда бегоналаштириш орқали субъектив мулк ҳуқуқини бекор қилади. Бундан ташқари мулкдор иқтисодий, ишлаб чиқариш ва истеъмолий тавсифдаги эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда мол-мулкдан фойдаланиш натижасида мулк ҳуқуқи бекор бўлиши мумкин. Ихтиёрий суръатда мулк ҳуқуқини бекор бўлишида учинчи шахслар ва давлатнинг мулкдор томонидан мол-мулкнинг тақдири юзасидан қарор қабул қилишига таъсири, аралашуви бўлмайди. Мулкдор ўз эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ҳаракатларини амалга оширади.

⁸⁰ Маттеи У, Суханов Е.А.. Основные положения о праве собственности. – М.: Юрист, 1999, - С. 278.

Жамият ва мулкдор манфаатларининг ўзига хос тўқнашуви мулк ҳуқуқини бекор бўлиш институтида яққол намоён бўлади. Жамиятнинг сиёсий ташкилоти сифатида давлат қонунда назарда тутилган ҳолларда мулкдорнинг мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқидан махрум этади. Бунда мулкдорнинг манфаатлари умумжамят манфаатлари йўлида чекланади. Давлат, шунингдек, мулкдор томонидан турли ҳуқуқбузарлик содир этилганда, уни жазолаш мақсадида тегишли субъектив ҳуқуқни бекор қилиш ҳуқуқига ҳам эга. Мазкур ҳолларда мулкдорнинг эрки инobatга олинмаслигига давлат ва жамият эҳтиёжлари ҳамда мулкдор томонидан мол-мулкдан фойдаланиш, эгалик қилиш жараёнида йўл қўйилган ҳуқуқбузарликлар сабаб бўлади. Мажбурий тартибда мулк ҳуқуқини бекор бўлишига кейинги параграфда батафсил тўхталамиз.

Баъзи бир муаллифлар мулк ҳуқуқини ихтиёрий ва мажбурий тарздаги бекор бўлишидан ташқари мулкдорнинг эрки, иродасига боғлиқ бўлмаган объектив сабабларга кўра бекор бўлишига олиб келувчи учинчи гуруҳи ҳам мавжудлигини таъкидлашади⁸¹. Бизнингча, ушбу гуруҳда назарда тутилган мулк ҳуқуқини бекор бўлиши ўз мазмун моҳиятига кўра мажбурий тартибда мулк ҳуқуқини бекор бўлиши билан бир хил бўлиб, уни мустақил гуруҳ сифатида кўрсатишга эҳтиёж йўқ. Иккаласини бирлаштирувчи муҳим мезон мулкдорнинг эрки ҳисобланади. Мажбурий тартибда ҳам мулк ҳуқуқи бекор бўлишида мулкдорнинг эрки инobatга олинмайди. Объектив сабаблар эса фақатгина бир ҳолда, яъни бирор-бир табиий ҳодиса туфайли содир бўлиши мумкин. Бундай вазият мулкдорнинг эркидан мустақил равишда ёки ундан ташқари бўлиши мутлақо аҳамиятсиздир.

Мулк ҳуқуқини бекор бўлишига олиб келувчи асосий юридик фактлар сифатида мулкдор томонидан содир этиладиган ҳаракатлар ёки тегишли давлат органларининг қарорлар ёхуд махсус равишда чиқарилган қонун ҳужжати қаралади. Бундай юридик ва фактик ҳаракатлар қонун ҳужжатларида назарда тутилган доирада амалга оширилиши лозим. Суд ва тегишли давлат органининг

⁸¹ Комментарий к Гражданскому кодексу Российской Федерации части первой (постатейный). Изд. 2-е, испр. и доп. // Рук. авт. колл. О.Н. Садилов. – М.: КОНТРАКТ-ИНФРА, 2003, - С. 542.

қарорига кўра ҳамда мулкдорнинг ўз ихтиёрига кўра содир этадиган ҳаракатлари орқали мулк ҳуқуқининг бекор бўлишида бошқа манфаатдор шахсларнинг ҳуқуқлари ҳам инобатга олиниши керак.

Юқоридагиларга кўра, бизнинг фикримизча, мулк ҳуқуқини бекор бўлиши – қонун томонидан мулк ҳуқуқини йуқотилишига олиб келадиган мулкдор ёки ваколатли орган томонидан амалга ошириладиган юридик ва фактик ҳаракатлар (ҳодисалар) йиғиндиси бўлиб, натижада мулк ҳуқуқи бекор бўлади ёхуд бошқа фуқаролик ҳуқуқи субъектида вужудга келади.

Мулк ҳуқуқини бекор бўлиш асослари қонун ҳужжатларида назарда тутилади. ФКнинг 197-моддасида биринчи бор мулк ҳуқуқини бекор бўлиш асослари аниқ кўрсатилди. Мазкур моддага кўра мулк ҳуқуқи мулкдорнинг ихтиёрий суръатда мажбуриятни бажариши, мол-мулк тақдирини ҳал қиладиган бир томонлама қарор қабул қилиши, суд қарори асосида мол-мулкни олиб қўйиш (сотиб олиш) йўли билан, шунингдек мулк ҳуқуқини бекор қилувчи қонун ҳужжатларига асосан бекор бўлади. ФКда қонун чиқарувчи томонидан мулк ҳуқуқини бекор бўлиш асосларини ўзига хос тарзда гуруҳланишини амалга оширилганлигини кўриш мумкин. Лекин бундай гуруҳлашда ҳам мулкдор эрки асосий мезон сифатида олинган. Мазкур моддада фақат мулк ҳуқуқи бекор қилиш асосларининг рўйхати келтирилган бўлиб, ҳар бир асосга тегишли усуллар назарда тутилмаган. Бевосита ФКнинг 198, 199, 202-204, 206 моддаларида мулк ҳуқуқини бекор бўлиш усуллари белгиланган.

ФКнинг 197-моддасини таҳлилига асосан фуқаролар томонидан мулк ҳуқуқини ихтиёрий равишда бекор қилиниши мулкдорнинг ихтиёрий суръатда мажбуриятни бажариши ва мол-мулк тақдирини ҳал қиладиган бир томонлама қарор қабул қилиш натижасида амалга оширилиши мумкин.

Биринчи ҳолат бўйича мулкдор ўзига тегишли мол-мулкни бошқа шахсларга ўтказиш орқали мулк ҳуқуқини бекор қилади. Мулкдорга тегишли ҳуқуқларни амалга ошириш аксарият ҳолларда тегишли ҳуқуқни ҳам бекор бўлишига олиб келиши мумкин. Мазкур ҳолларда фуқарога ўзига тегишли мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини ўз ихтиёрига, ўз манфаатларини кўзлаб бекор

килади. Бундай тартибда фуқаро томонидан хусусий мулк ҳуқуқининг бекор қилиниши унга мулкдор сифатида тегишли бўлган тасарруф этиш ҳуқуқини амалга ошириш билан боғлиқ. Биз олдинги бобда мулк ҳуқуқини шартнома асосида бошқа шахсга ўтишини тадқиқ этганлигимиз туфайли фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқини бекор бўлишининг мазкур асосига кенгроқ тўхталмаймиз. Фақат шуни таъкидлаш лозими, мол-мулкни бегоналаштирувчидан мулк ҳуқуқининг бекор бўлиши ҳамда уни олувчисида мулк ҳуқуқини вужудга келиш тартиби асосан битимлар ва шартномалар тўғрисидаги меъёрлар билан тартибга солинади.

Мулкдорнинг мол-мулк тақдирини ҳал қиладиган бир томонлама қарор қабул қилиши натижасида мулк ҳуқуқини бекор бўлиши қандай усуллар орқали амалга оширилиши ФКда тўлалигича ёритилмаган. Аммо, мазкур асос бўйича мулк ҳуқуқини бекор бўлишининг ҳуқуқий табиатидан келиб чиққан ҳолда ушбу масалага ойдинлик киритиш мумкин. Маълумки, ҳар қандай субъектив ҳуқуқ юзасидан бир томонлама қарор қабул қилинишида фақат бир тарафнинг эрки ифода этилиши етарли деб ҳисобланади. Шунга асосланган ҳолда, ушбу асосга кўра мулк ҳуқуқи мол-мулкни йуқ қилиш (тугатиш) ва васият қолдириш натижасида бекор бўлиши мумкин. Баъзи муаллифлар ушбу рўйхатга ҳада шартномасини ҳам киритишади. Хусусан, Ҳ. Раҳмонқулов ҳада шартномасини тузиш орқали мулк ҳуқуқининг бекор бўлиши мулкдор томонидан мол-мулк тақдирини ҳал қиладиган бир томонлама қарор қабул қилиш натижасида амалга оширилади деб кўрсатади⁸². Бизнингча, ҳада қилиш орқали мулк ҳуқуқининг бекор бўлиши мулкдорнинг ихтиёрий суръатда мажбуриятни бажариши асосида содир бўлади. Чунки, юқорида кўрсатилгандек, мол-мулк тақдирини ҳал қиладиган бир томонлама қарор қабул қилишда фақат мулкдорнинг эрки ифода этилганлиги етарли бўлиб, бошқа иштирокчиларнинг бундай ҳуқуқий ҳаракатга нисбатан муносабати эътиборга олинмайди. Ҳада шартномасининг ҳуқуқий табиатида мазкур белги мавжуд эмас. Бунда нафақат ҳада қилувчининг, балки ҳада олувчининг ҳам шартномани тузишга доир эрки, хоҳиш-истаги инобатга

⁸² Раҳмонқулов Х.Р. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. - Т.: 1997. – 345 б.

олинади. ФКнинг 503-моддасида ҳам ҳада олувчи ўзига ҳада топширилгунга қадар истаган вақтда уни рад этишга ҳақли эканлиги белгилаб қўйилган. Бундай вазиятда ҳада шартномаси бекор қилинган ҳисобланади.

Дастлаб, фуқаролар томонидан мол-мулкни йўқ қилиш (туғатиш) натижасида мулк ҳуқуқини бекор бўлишини қараб чиқамиз. Фуқаролар ўзларига тегишли мол-мулклардан доимо муайян бир эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланадилар. Бундай турдаги эҳтиёжлар асосан истеъмолий ва ишлаб чиқариш тавсифида бўлади. Аксарият ҳолларда эҳтиёжларни қондириш йўлида мол-мулклар моддий ашё кўринишида йўқ бўлиб кетади. Мулк ҳуқуқининг объекти бўлган мол-мулк истеъмол қилиниши орқали йўқ бўлиши билан ўз навбатида тегишли ашёга нисбатан мулк ҳуқуқи ҳам бекор бўлади.

Аммо айрим муаллифлар бундай шароитда мулк ҳуқуқини бекор бўлишини шубҳа остига қўйишади. Жумладан, А.А. Рубанов “мол-мулкни йўқ қилиш ёки туғатиш натижасида аксарият ҳолларда мулк ҳуқуқи бекор бўлади деб таъкидлаш ҳақиқатдан анча йироқдир... Масалан, уй ҳайвонлари йўқ қилингандан сўнг одатда унинг гўшти ва териси, қимматбаҳо, нодир ваза сингандан кейин эса унинг бўлакчалари қолади. Бироқ бу ҳолат мулк ҳуқуқини бекор бўлиш тўғрисида қатъий хулосага келиш учун асос бўла олмайди”⁸³. А.А. Рубановнинг ушбу фикрларига эътироз билдириш учун фуқаролик ҳуқуқидаги ашёлар тўғрисидаги таълимотга мурожаат этишга тўғри келади. Маълумки, фуқаролик ҳуқуқида хоссаларига қараб ашёлар бир неча турларга ажратилган. Бу рўйхатда назарда тутилганлардан бўлинадиган ва бўлинмайдиган ашёларга эътибор қаратиш лозим. Чунки А.А. Рубанов томонидан мисол тариқасида келтирилган ашёлар ўз хусусиятларига кўра шундай ашёлар жумласига киради. ФКнинг 88-моддасининг иккинчи қисмига кўра бўлиш натижасида қисмлари дастлабки ашёнинг хоссаларини йўқотадиган, унинг хўжалик (мақсадли) аҳамиятини ўзгартирадиган ашё бўлинмайдиган ашё ҳисобланади. Демак, мол-мулкдан фойдаланиш натижасида дастлабки ҳолда йўқ бўлиб кетиши орқали, унга нисбатан ҳам мулк

⁸³ Гражданский Кодекс Российской Федерации. Ч 1. Научно-практический комментарий. // Отв. ред. Т.Е. Абова, А.Ю. кабалкин, В.П. Мозолин. – М.: БЕК, 1996. – С. 342.

хукукининг бекор бўлишида, мол-мулкдан фойдаланиш жараёнидан олдинги яхлит, бир бутун ҳолати тўғрисида сўз боради. Айнан шу объектга хос бўлган яхлитлик, бир бутунликнинг бузилиши натижасида унга нисбатан мулк ҳукуки ҳам бекор бўлади. Такрорлаб айтамиз, айнан шу объектга нисбатан мулк ҳукуки бекор бўлади. Ундан қолган қисмлар эса ўзи тегишли бўлган яхлит ашё каби хўжалик аҳамиятига эга бўлмайди. Масалан, ўша синган ваза бўлакларидан ваза сифатида фойдаланиб бўлмайди ва бошқ. Агар мол-мулкни йўқ қилиш (тугатиш) натижасида ундан қолган қисмлар муайян иқтисодий қиймати, хўжалик мақсадлари учун фойдаланиш имконияти мавжуд бўлса, айнан шу қисмларга нисбатан тегишли субъектларнинг мулк ҳукуки вужудга келади. Истеъмол қилинадиган ашёлар мисолида А.А. Рубановнинг нуқтаи-назари мутлақо асоссиз эканлигини кўриш мумкин. Чунки бундай ашёлар бир қарра фойдаланиш натижасида йўқолиб кетади ва дастлабки ҳолатида мавжуд бўлмайди. Бундай шароитда мулкдорга тегишли бўла оладиган бирор-бир моддий объектлар ҳам қолмайди. Шу боис, бизнинг фикримизча, А.А. Рубановнинг мол-мулкни йўқ қилиш ёки тугатиш натижасида мулк ҳукуки бекор бўлмайди деб таъкидлаши ҳақиқатдан анча йироқ бўлиб, тегишли ашёнинг ҳукукий табиати инобатга олинмаган.

Таъкидлаш лозимки, фуқаро ҳар доим ўз мулкидан ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаган ҳолда эғалик қилади, фойдаланади ва тасарруф этади. Шу жумладан, ўз эҳтиёжларини, улар қандай характерда эканлигидан қатъий назар, қондириш мақсадида мол-мулкни йўқ қилиш, тугатишга ҳам ҳақлидир. Бироқ, мулкдор томонидан мол-мулкни тугатишда ҳамма вақт жамият манфаатлари ҳам эътиборга олиниши шарт. Чунки фуқаролар мулкида бўлган баъзи ашёлар йўқ қилиниши табиий ҳудудга, фуқаролар ҳавфсизлигига таҳдид солиши ёки турли зарарли оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Агар мол-мулкни йўқ қилиш натижасида зарар етказилган бўлса, фуқаро қонунда назарда тутилган тартибда жавобгар бўлади.

Фуқароларга хусусий мулк ҳукуки асосида тегишли бўлган мол-мулк учинчи шахсларнинг ҳуқуққа хилоф ҳаракатлари орқали йўқ қилиниши

(тугатилиши) тарафлар ўртасида зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Зарар етказишда айбдор бўлган шахс ФКнинг 985-моддасига кўра жавобгар бўлади.

ФКнинг 198-моддаси 2-қисмида мулкдор томонидан тарихий ёки маданий бойлик бўлган мол-мулкнинг йўқ қилинишига йўл қўйилмаслиги алоҳида белгилаб қўйилган. Мазкур меъёр катта амалий аҳамиятга эга бўлиб, мамлакатимиз учун муҳим ижтимоий аҳамият касб этувчи тарихий ва маданий бойликларни асрашга хизмат қилади. Қонун томонидан бундай ноёб мол-мулк эгаларининг ҳуқуқлари бутун жамият манфаатлари йўлида чекланиши, албатта, асослидир. Қонун нафақат ушбу мол-мулкларни йўқ қилинишини чеклашни, балки улар йўқ қилиниши хавфи юқори бўлган ҳолларда суд қарори асосида мусодара қилишни, агар у йўқ қилинган бўлса, унинг қиймати ундириб олинисини ҳам кўзда тутди. Бундай қонуннинг ўрнатилиши-деб ёзади Х.Рахмонқулов-халқ, жамият даражасининг ривожланишидан дарак берувчи ёдгорликларни сақлаб қолиш, унинг моддий ва маданий бойликларини авайлаш ва асраш учун муҳим аҳамиятга эга⁸⁴.

2.2 Фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқини мажбурий тартибда бекор бўлиш асослари

Бугунги кунда фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқини уларнинг эрки, иродасидан ташқари мажбурий равишда бекор бўлиш асосларини илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этиш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, давлат томонидан мулк муносабатларнинг барқарорлигини кафолатланиши бозор муносабатлари ривожланишининг муҳим шarti ҳисобланади. Шу сабабли, хусусий мулк шаклини ҳимоя қилишнинг асосий мурватлари, авваламбор Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ва ФКда мустаҳкамланган бўлиб, мулкдор ҳуқуқларининг қатъийлигини таъминлашга хизмат қилади. Ўзбекистон

⁸⁴ Рахмонқулов Х.Р. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. Т., 1997. – 344 б.

Республикаси Конституциясининг 53-моддаси 2-қисмида “мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин” деб ўрнатилган.

Фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқини мажбурий тартибда бекор қилиш фақатгина қонунда назарда тутилган асосларга мувофиқ амалга оширилиши шарт бўлиб, шу асослардан ташқари бошқа ҳолатлар бўйича мулк ҳуқуқини бекор қилишга йўл қўйилмайди. Мазкур ҳолат конституцион меъёр талабларининг мазмунига мос келиб, хусусий мулк эгасининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг муҳим қафолати ҳисобланади.

Мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқининг бекор қилиниши, табиийки, мулк эгаси учун қувонарли бўлмаган вазият ҳисобланиб, муайян моддий йўқотишларга олиб келади. Шу боис мол-мулкни унинг эгасидан олиб қўйиш, унга нисбатан ҳуқуқнинг бекор қилиниши қандай усулларни қўллаш йўли билан амалга оширилишидан қатъий назар, бундай усулларни ҳақ эвазига амалга ошириш ва мол-мулкнинг олиб қўйилиши муносабати билан етказилган зарарларни тўлаш тамойили ФКда ўз ифодасини топган. Барча ривожланган ҳуқуқий тизимларда ҳам мол-мулк мажбурий тартибда мулкдордан олиб қўйилишида қуйидаги икки мезонга, яъни умумфойдалилик ва адолатли компенсация тўлашга амал қилиши қатъий тарзда белгилаб қўйилган⁸⁵.

Фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқини уларнинг ихтиёридан ташқари, мажбурий тартибда бекор бўлиш асослари бўлиб, қуйидагилар ҳисобланади: агар қонунга асосан шахсга тегишли бўла олмайдиган мол-мулк унинг мулки бўлиб қолганда мол-мулкни олиб қўйиш; тарих ва маданият ёдгорликлари ҳўжасизларча сақланаётганлиги; мулкдорнинг мол-мулини бевосита олиб қўйишга қаратмаган ҳолда мулк ҳуқуқини бекор бўлиши; тегишли мол-мулк қонун ҳужжатларига мувофиқ национализация қилиниши; ваколатли давлат ҳокимияти органи қарорига мувофиқ реквизиция ва суд қарорига асосан мусодара қилиниши ҳамда мулкдорнинг мажбуриятлари бўйича ундирув унга тегишли мол-мулкка қаратилиши. Таъкидлаш лозимки, юқорида келтирилган асослар бўйича

⁸⁵ Маттеи У., Суханов Е.А. Основные положения о праве собственности. – М.: Юристъ, 1999, - С. 278.

фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқининг бекор бўлиши асосан давлат ва фуқаролик-хуқуқий муносабатларнинг бошқа субъектлари талаблари билан амалга оширилади. Жумладан, национализация, реквизиция давлат манфаатлари асосида амалга оширилса, фуқароларнинг мажбурияти бўйича ундирувни мол-мулкига қаратиш эса унинг кредиторининг талабларини қондириш учун амалга оширилади. Шунга асосан мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи ҳам тегишли равишда давлат ёки бошқа манфаатдор тарафда вужудга келади.

ФКнинг 197-моддасига асосланган ҳолда ушбу асосларни икки гуруҳга ажратиш мумкин: суд қарорига кўра ва мулк ҳуқуқини бекор қилувчи қонун ҳужжатларига асосан мулк ҳуқуқининг бекор бўлиши. Бундай тарзда гуруҳлашни амалга ошириш илмий-назарий жиҳатдан ҳам асосли бўлиб, мазкур институтининг ҳуқуқий табиатига ҳам мос келади.

Суд қарорлари асосида мулк ҳуқуқини бекор бўлиши биринчи гуруҳни ташкил этади ва унга қуйидагилар тааллуқлидир: қонунга асосан шахсга тегишли бўла олмайдиган мол-мулк уни мулки бўлиб қолганда мол-мулкни олиб қўйиш; тарих ва маданият ёдгорликларини хўжасизларча сақлаш; мулкдорнинг мажбуриятлари бўйича ундирув унинг мол-мулкига қаратилиши; мусодара; мулкдорнинг мол-мулкни бевосита олиб қўйишга қаратмаган ҳолда мулк ҳуқуқининг бекор бўлиши. Кўрсатилган барча ҳолларда мулк ҳуқуқи тегишли суднинг қарори асосида бекор бўлади ва айнан ушбу жиҳат уларни мазкур гуруҳга киритилишига сабаб бўлди.

Умумий қоидаги кўра, ашёлар ҳам фуқаролик ҳуқуқларининг бошқа объектлари каби эркин суръатда бошқа шахсларга берилиши ёки универсал ҳуқуқий ворислик тартибида турли хил фуқаролик-хуқуқий шартномалар ёхуд бошқа асосларга кўра бир шахсдан бошқасига ўтиши мумкин. Бундай ашёларнинг муомалада бўлиши чекланмаган деб ҳисобланиб, турли хил мутлақ ва нисбий фуқаролик-хуқуқий муносабатларнинг объектлари бўлиши мумкин⁸⁶. Лекин, шунинг билан биргаликда, фуқаролик қонунчилигида давлат ва жамият хавфсизлигини таъминлаш, давлатнинг иқтисодий манфаатларини муҳофаза этиш,

⁸⁶ Гражданское право. Учебник. // Под ред. Ю.К. Толстого, А.П. Сергеева. – М.: ТЕИС, 1996, - С.176.

фуқароларнинг соғлиғи ва ҳаётини ҳимоя қилиш ва бошқа мақсадларда баъзи ашёларнинг муомаласи чекланади ёки умуман тақиқлаб қўйилади. Муомаладан чиқарилган ашёлар амалдаги қонунчиликка кўра фуқаролик-ҳуқуқий битимларнинг предмети бўла олмайди ва фақат давлатга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 31 августдаги “Айрим корхоналар ва мол-мулкни давлат тасарруфидан чиқарилиши ва хусусийлаштиришнинг баъзи масалалари тўғрисидаги” қарорида давлат тасарруфидан чиқарилиши ва хусусийлаштирилиши, сотиб олиниши мумкин бўлмаган мол-мулкларнинг рўйхати келтирилган⁸⁷. Муомалада бўлиши чекланган ашёларнинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабат иштирокчиларига тегишли бўлиши учун давлат органларининг махсус рухсати талаб этилади. Ушбу рухсатномани берилишига фуқаролар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ тарзда амалга оширилаётган фаолият асос бўлиши мумкин. Фуқаролик муомаласида бўлишига махсус рухсатнома билан йўл қўйиладиган мол-мулк турлари қонунда кўрсатилган тартибда белгилаб қўйилади. Агар бундай турдаги мол-мулклар (кучли таъсир кўрсатувчи заҳарлар ва гиёҳвандлик воситалари, қуроллар, валюта қимматликлари ва бошқ.) уларнинг эгаларида қонунсиз равишда бўлиши бирор-бир ашёвий-ҳуқуқий оқибатларни эмас, балки қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли жавобгарликни келтириб чиқаради. Муомалада бўлиши чекланган мол-мулкларни қонуний асосда фуқаролар мулкида бўлиши, лекин қонунга кўра мулкдорга ушбу мол-мулкка мулк ҳуқуқи асосида эгалик қилиш имконияти берилмаганлиги тегишли ашёвий-ҳуқуқий оқибатларни юзага келтиради. Мол-мулкнинг ҳуқуқий режими ўзгариши натижасида эркин суръатда фуқаролик муомаласида бўлган ашёлардан муомалада бўлиши чекланган ёки тақиқланган ашёлар категориясига ўтиши ёхуд қонунда назарда тутилган асосларга кўра мол-мулк ўтган бўлсада, лекин уни ўз мулкида сақлаш учун тегишли рухсатнома бўлмаган ҳолларда, қоида тариқасида, мол-мулк ҳақи тўланган ҳолда олиб қўйилади.

⁸⁷ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, 9-сон, 194-модда.

ФК 199-моддасининг иккинчи қисми айнан шундай ҳолатларни, яъни қонунга асосан шахсга тегишли бўла олмайдиган мол-мулк унинг мулки бўлиб қолганда мол-мулкни олиб қўйиш тартибини белгилаб беради. Унга кўра агар қонунга асосан шахсга тегишли бўла олмайдиган мол-мулк унинг мулки бўлиб қолса, ушбу мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи суд тартибида бекор қилиниб, олиб қўйилган мол-мулкнинг қиймати шахсга тўланади. Таъкидлаш лозимки, модда қисқа юридик ҳажмда берилган бўлиб, бу жараён қандай амалга оширилиш механизмини тўла ёритмаган. Жумладан, мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини бекор қилиш тўғрисида судга қайси орган даъво аризаси билан мурожаат этишлиги хусусида моддада бирор бир тушунтириш берилмайди. Мантиқан фикрлаганда бундай турдаги даъволарни ҳар қандай шахслар эмас, балки мазур мол-мулкларни ҳуқуқий режимини белгиловчи, муомаласини тартибга солувчи тегишли давлат органлари томонидан берилиши лозим. Модданинг ҳозирги кундаги матнидан эса мулк ҳуқуқини бекор қилиш тўғрисидаги даъволарни ҳар қандай шахслар беришга ҳақли деган нотўғри хулосага келиш мумкин. Шу сабабли, ФКнинг 199-моддаси 2-қисмига тегишли мазмундаги қўшимчалар киритилишини таклиф этамиз.

Бундан ташқари, олиб қўйилаётган мол-мулкни реализация қилиш масаласи ҳам очиқ қолдирилган. Бундай ҳолларда суд мол-мулкни кейинги тақдирини қандай белгилайди: олиб қўйилган мол-мулкни мажбурий тартибда сотилиши тўғрисида қарор чиқариши натижасида тегишли рухсатномага эга бўлган ҳар қандай шахс сотиб олишига йўл қўядими ёки фақат давлат мулкига ўтишини белгилайдими? Бизнинг фикримизча, бу турдаги мол-мулкларни реализация қилиш тўғрисидаги суд қарорида уларни қўлланилиши ва характери эътиборга олинishi лозим. Ким ошди савдолари орқали қуроллар ёки қучли таъсир кўрсатувчи заҳарларни мажбурий тартибда сотишни мақсадга мувофиқ эмаслиги ўз-ўзидан равшан. Улар бундай ҳолларда тўғридан тўғри давлат мулкига ўтади. Агар олиб қўйилган мол-мулкларнинг ҳуқуқий режими йўл қўйса, уларни эгалик қилишга тегишли рухсатномага эга бўлган шахсларга ким ошди савдолари ёки бошқа усуллар орқали сотилиши мумкин. Барча ҳолларда, қонуннинг қатъий

кўрсатмасига мувофиқ, собиқ мулкдорга олиб қўйилган мол-мулкнинг қиймати тўланиши шарт.

Шунинг билан биргаликда, ФК 199-моддаси 2-қисмини бошқа мамлакалар фуқаролик қонунчилигидаги тегишли меъёрлари билан қиёсий таҳлил этганда ижобий томонини ҳам эътироф этиш ўринлидир. Бир қатор МДХ мамлакатларининг, хусусан Россия Федерацияси ГКнинг 239-моддаси 1-қисми, Озарбайжон ГК нинг 206-моддаси 1-қисми, Белоруссия ГКнинг 239-моддаси 1-қисмига кўра, агар қонунга асосан шахсга тегишли бўла олмайдиган мол-мулк унинг мулки бўлиб қолганда ушбу шахс мол-мулкни бир йил ичида ўзи томонидан бегоналаштирилиши лозимлигини белгилайди. Ўзбекистон Республикаси ФК эса мулкдорга бундай мажбуриятни юкламайди ва фикримизча тўғри қилади. Чунки муомалада бўлиши чекланган ёки тақиқланган ашёлар бирор бир шахснинг мулкида эканлиги аниқлангандан сўнг, агар улар давлат ва жамият манфаатларига, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирса тегишли давлат органлари тезкор тадбирларни кўриши лозим бўлади. Иккинчи томондан, бу муддат давомида мулкдор томонидан мол-мулк қонунга асосан бегоналаштирилишига ҳеч ким кафолат бера олмайди. Муомалада бўлиши чекланган ва тақиқланган кўпгина ашёларни “қора бозор” муомаласига кириб кетиш хавфи ҳам ошиб кетади. Шу боис, мазкур мол-мулкни сотишда мулкдорга бундай “эркинлик” берилиши мақсадга мувофиқ эмас.

Фуқаролар мулкида давлат ва жамият учун муҳим тарихий, бадий, илмий аҳамиятга эга бўлган тасвирий санъат асарлари, кулёзмалар, нодир китоблар, археологик топилмалар ва бошқа аҳамиятли ашёлар бўлиши мумкин. Бундай турдаги ашёларга нисбатан фойдаланиш ва асраш нуқтаи назаридан тўғри муносабатда бўлиш фуқароларнинг нафақат ҳуқуқий, балки маънавий мажбурияти ҳисобланади. Айниқса мустақиликка эришганимиздан сўнг мамлакатимиз тарихини миллий истиқлол мафкураси асосида ўрганилишининг бошланиши муносабати билан тарих ва маданият ёдгорликларини тегишли ҳолатда сақлаш масаласини аҳамияти янада ортиб бормоқда. Жамиятнинг маънавий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда давлат учун бундай тарихий ва

маданий аҳамиятга эга бўлган ашёларнинг тақдири муҳим аҳамиятга эгадир. Шу боис мазкур турдаги ашёларни қай даражада сақланиши, фойдаланиши устидан тегишли давлат органлари назорат олиб боради. Қоида тариқасида фуқаролар ўз мулкларида бўлган тарихий, бадиий ва илмий қийматга эга бўлган ашёларни яхши ҳолатда сақлашлари керак. Бироқ амалиётда фуқаролар томонидан ушбу ашёларга нисбатан ҳўжасизларча муносабатда бўлиш ҳоллари учраб туради⁸⁸. Бундай вақтларда юқори ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ашёлар қонун билан белгиланган тартибда давлат мулкига ўтказилади.

ФКнинг 190-моддасида ҳўжасизларча сақланаётган тарих ва маданият ёдгорликларини давлат мулкига ўтиш тартиби белгиланган. Унга кўра агар мулкдор ўзига қарашли тарих ва маданият ёдгорлигига ҳўжасизларча муносабатда бўлиб, унинг яхши сақланишини таъминламай келса, дастлаб ушбу фуқаро зиммасида ёдгорликларни сақлаш вазифаси бўлган давлат органлари томонидан ёдгорликка ҳўжасизларча муносабатда бўлишни тўхтатиш тўғрисида огоҳлантирилади. Аммо билдирилган огоҳлантиришлардан сўнг ҳам фуқаро ўз мулкида бўлган мол-мулкка нисбатан ҳўжасизларча муносабатини давом эттираверса, тегишли давлат органларининг даъвоси асосида суд бу ашёларни мулкдордан олиб қўйиб давлат мулкига ўтказиш тўғрисида қарор чиқариши мумкин. Бунда суд ишнинг барча ҳолатларини эътиборга олиши ва мулкни сақлаш юзасидан зарур чора-тадбирларни амалга оширмаганлик сабабларини аниқлаши лозим. Фақатгина мулкдорнинг айби бўлган ҳоллардагина мол-мулкни олиб қўйишга рухсат берилади. Мол-мулкни олиб қўйиш фақат ҳақ бараварига амалга оширилади. Олиб қўйилган мол-мулкнинг қиймати мулкдорга келишувда белгиланган, низо чиққан тақдирда эса суд томонидан белгиланган миқдорда тўланади. Мол-мулкнинг қийматини белгилашда олиб қўйилаётган предметларнинг нодирлиги, муҳим илмий, тарихий аҳамиятга эга бўлганлиги сабабли, баъзи вақтларда келишмовчиликларни келтириб чиқариши мумкин.

⁸⁸ Юридик адабиётларда дастлаб ушбу муаммога проф. И.Б. Новицкий эътибор берган. Қаранг: Новицкий И.Б. Солидарность интересов в советском гражданском праве. – М.: Госюриздат, 1991, - С. 40-41.

Бундай вақтда мол-мулкнинг қийматини белгилаш суд томонидан тегишли мутахассис-экспертларни жалб этган ҳолда амалга оширилиши керак.

Ҳуқуқ субъектлилиги мақомига эга бўлган фуқаролар нафақат мажбурият-ҳуқуқий муносабатларга киришиши, балки вужудга келган мажбуриятларни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик оқибатларини ҳам ўташи лозим. Мажбуриятнинг бузилиши нафақат мажбуриятлар бўйича кредиторга, балки мажбурият бажарилмаслигига йўл қўйган қарздорга ҳам, шунингдек умуман фуқаролик жамиятига ҳам зиён етказади⁸⁹. ФКнинг 25-моддасига кўра фуқаро ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига қарашли бутун мол-мулк билан жавоб беради, конунга мувофиқ ундирувни қаратиш мумкин бўлмаган мол-мулк бундан мустасно. Мажбурият бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганда фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик мулккий характерга эга бўлади. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик ҳуқуқбузарнинг шахсига бевосита таъсир қилиб эмас – деб ёзади Ҳ. Раҳмонқулов – балки унинг мулкига нисбатан ундирув қаратиш орқали таъсир этиб, жабрланувчи тарафнинг бузилган мулккий ҳолатини асл ҳолатида тиклаш, агар бунинг иложи бўлмаса, мулккий зарани қоплаш орқали мулккий талофатларни бартараф этиш мақсадига эга бўлади⁹⁰.

ФК 199-моддасининг 1-қисми мол-мулкни мулкдордан олиб қўйиш асосларидан бири сифатида мулкдорнинг мажбуриятлари бўйича ундирув унинг мол-мулкига қаратилишини белгилайди. Ундирувни мол-мулкка қаратиш гарчи олдинги фуқаролик қонунчилигига маълум бўлган бўлса-да, аммо мулк ҳуқуқини бекор қилиш асосларидан бири сифатида назарда тутилмаган эди.

Ундирувни қарздорнинг мол-мулкига қаратиш орқали мол-мулкни мулкдордан мажбурий тартибда олиб қўйиш, одатда, суд томонидан фуқаролик-процессуал қонунчиликда назарда тутилган тартибда амалга оширилади. Шунинг билан биргаликда, ФКнинг баъзи меъёрлари тарафларга қарздорнинг мол-мулкига ундирув қаратишнинг бошқа тартиби хусусида келишиб олиш имкониятини ҳам тақдим этади. Масалан, ФКнинг 280-моддасининг 2-қисмига кўра гаровга

⁸⁹ Раҳмонқулов Ҳ. Мажбурият ҳуқуқи (умумий қоидалар). – Т.: ТДЮИ, 2005. 138 б.

⁹⁰ Раҳмонқулов Ҳ. Мажбурият ҳуқуқи (умумий қоидалар). – Т.: ТДЮИ, 2005. 139 б.

олувчининг талабини гаровга қўйилган кўчмас мол-мулк ҳисобидан судга мурожаат қилмасдан қондиришга ундирувни гаров нарсасига қаратиш учун асослар вужудга келганидан кейин гаровга олувчининг гаровга қўювчи билан нотариал тасдиқланган келишуви асосида йўл қўяди.

Мажбуриятлар бўйича ундирувни қарздорнинг мол-мулкига қаратишда суднинг вазифаси ҳуқуқни тегишлилигини белгилаш билан чекланади. Шундан сўнг тегишли суднинг қарорига кўра мулк ҳуқуқининг бекор бўлиши ва жавобгардан мол-мулкни олиб қўйиш амалга оширилади. Қонуний кучга кирган суднинг қарори бўйича мол-мулкни олиб қўйиш судлар томонидан бериладиган ижро варақалари асосида амалга оширилади. Ундирувни мол-мулкка қаратиш ФПК ва Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги қонуни билан тартибга солинади. Мазкур қонун ҳужжатлари суд ҳужжатлари ва бошқа органларнинг ҳужжатларини мажбурий ижро этиш шартлари ва тартибини белгилаб беради.

Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонуннинг 47-моддасига кўра ундирувни қарздорнинг мол-мулкига қаратиш қарздорнинг мол-мулкни хатлаш (рўйхатга олиш), олиб қўйиш ва мажбурий реализация қилишдан иборатдир. Қонунда қарздорнинг мол-мулкига ундирув қаратиш тартиби белгилаб қўйилган. Дастлаб ижро ҳужжатлари бўйича ундирув қарздорнинг сўм ва чет эл валютасидаги пул маблағларига ҳамда бошқа қимматликларига, шу жумладан банклардаги ва бошқа кредит ташкилотлардаги пул маблағларига ҳамда ўзга қимматликларга қаратилади. Қарздорнинг банклардаги ва бошқа кредит ташкилотлардаги ҳисобварақларида ва омонатларида турган ёки сақлашга қўйилган пул маблағлари ва бошқа қимматликлар тўғрисида маълумот мавжуд бўлса, улар хатланади. Бошқа шахсларда турган қарздорнинг мол-мулкига ундирув қаратиш фақат мазкур мол-мулклар қарздорга тегишлилигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади. Қарздорнинг ундирувчи талабларини қаноатлантириш учун етарли пул маблағлари бўлмаганда, ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган мол-мулкдан ташқари, унинг бошқа мол-мулкига қаратилиши

мумкин. Қонуннинг 52-моддасига кўра ижро ҳужжатлари ижро этилаётганда жисмоний шахсларга нисбатан ундирув, қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари, қарздорнинг оиласи нормал турмуш кечириши учун зарур бўлган уй-жой, квартира, уй-анжомлари ҳамда жиҳозлари, кийимлар ва бошқа буюмларга қаратилиши мумкин эмас. Қарздор ундирув биринчи навбатда қаартилиши лозим бўлган мол-мулк турлари ёки ашёларни ўзи кўрсатишга ҳақли.

Қарздор бошқа шахслар билан умумий мулк ҳуқуқи асосида тегишли мол-мулкка эга бўлган ҳолларда ундирув унинг қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланадиган улушига қаратилади. Эр-хотиннинг умумий мол-мулкидаги улуши ва хўжалик жамиятлари ва ширкатларидаги ҳиссаларига шу асосда ундирув қаратилиши мумкин.

Қарздор-жисмоний шахсларнинг мажбуриятлари бўйича иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларга нисбатан ундирув қаратишга йўл қўйилади. Мазкур мол-мулкларга нисбатан ундирув қаратиш ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, қонуннинг 64-70 моддаларида уни амалга ошириш шартлари ва тартиби белгиланган. Даврий тўловларни ва энг кам ойлик иш ҳақининг икки бараваридан ошмаган миқдордаги суммани ундириш тўғрисидаги қарорларни ижро этишда ундириладиган суммани тўлиқ узиш учун қарздорнинг мол-мулки етарли бўлмаса, ундирув қарздорнинг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларга қаратилади. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлардан ушлаб қолинадиган суммаларнинг миқдори чегараланган. Ижро ҳужжатлари бўйича қарз тўлиқ узилгунга қадар ундирув қарздорга тўланадиган иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларнинг кўпи билан 50% ушлаб қолиниши мумкин. Алиментлар ундириш тўғрисидаги, майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етганлик, шунингдек боқувчисини вафот этганлиги билан боғлиқ ҳолда кўрилган зарарни қоплаш тўғрисидаги ишлар бўйича ундирув фақат суднинг қарорига биноан вақтинча меҳнат қобилятини йўқотганда тўланадиган ижтимоий суғурта нафақаларига ва ишсизлик нафақаларига қаратилиши мумкин. Фуқаролар даромадларининг баъзи турларига ундирув қаратилишига йўл қўйилмайди. Қонуннинг 69-моддасида ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган даромадлар рўйхати келтирилган.

Суд ҳужжатлари ва бошқа органларнинг ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонунда мажбуриятлар бўйича ундирувни мол-мулкка қаратиш билан боғлиқ бўлган қарздорнинг мол-мулкни хатлаш (рўйхатга олиш), мол-мулкни баҳолаш, уни реализация қилиш тартиби ва бошқалар батафсил тартибга солинган.

Мулкдорнинг мажбуриятлари бўйича ундирув унинг мол-мулкига қаратилиб, мол-мулк реализация қилингандан сўнг мулк ҳуқуқи қўлга киритувчида вужудга келиши билан собиқ мулкдорнинг мулк ҳуқуқи ҳам бекор бўлади.

Амалиётда кўпгина ҳолларда фуқароларга тегишли бўлган уй-жой, бино ва иншоотлар ҳамда савдо ва хизмат кўрсатиш объектларига бўлган хусусий мулк ҳуқуқи, улар жойлашган ер участкалари давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан бекор қилинади. Бу жараёнда фуқароларнинг мулкый манфаатларини ҳимоя этиш муҳим аҳамиятга эга.

Таъкидлаш лозимки, олдинги даврда амалда бўлган қонун ҳужжатлари бундай ҳолларда фуқаролар мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишни реал қафолатларини таъминламаган эди. Хусусан, уларнинг уй-жойларга бўлган мулк ҳуқуқи ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқи область халқ депутатлари Советларининг ижроия комитетларининг тегишли қарорлари билан бекор қилиниб, фуқаролар мазкур қарорларининг асослиги ва мақсадга мувофиқлигини аниқлаш юзасидан, шунингдек, ҳар доим ҳам келиб чиққан зарарларни тўла қопламайдиган махсус комиссия томонидан белгиланадиган компенсация миқдори юзасидан ҳам судга мурожаат эта олишмасди.

Сўнгги йилларда ЖК, Уй-жой кодекси, Ер кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши натижасида мулкдорга қарашли уй, бошқа иморат, иншоотлар ёки экинлар жойлашган ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилганда фуқароларнинг мулкый ҳуқуқларининг қафолати сезиларли равишда кучайди. Авваламбор, Ер кодексининг 37-моддасининг 2-қисмига кўра ер эгаси, ердан фойдаланувчи ва ижарачи ер участкасини олиб қўйиш ҳақидаги тегишинча туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг

қарорига ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига рози бўлмаган тақдирда, бу қарорлар устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга бўлдилар. ФКнинг 206-моддаси 2-қисмига кўра, низо суд томонидан ҳал қилингунича мулк ҳуқуқининг бекор бўлишига олиб келадиган қарор амалга оширилиши мумкин эмас. Фикримизча, судда ер участкасини олиб қўйишидан манфаатдор бўлган тараф унда жойлашган кўчмас мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини бекор қилмасдан ер участкасидан олиб қўйилаётган мақсад йўлида фойдаланишнинг имконияти йўқлигини исбот қилиб бериши шарт.

Маълумки, ер участкаларини олиб қўйиш тўғрисидаги тегишли давлат ҳокимияти органларининг қарори асосида фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқини бекор қилиниши қонуний ҳаракатлар туфайли зарар етказиш ҳисобланади. Унинг умумий асосини ФКнинг 985-моддаси 2-қисмида назарда тутилган меъёр ташкил этади. Мулкдорга бундай вақтда бериладиган компенсация етказилган зарарни қоплаш шаклидир. Амалдаги қонунчилик томонидан ўрнатилган мулкдорнинг барча зарарларини, шу жумладан бой берилган фойдани қоплаш тамойили фуқароларнинг мулк ҳуқуқларини тўлақонли ҳимоя қилинишининг муҳим қафолатидир.

Бугунги кунда ҳаракатдаги ФК, Уй-жой кодекси ва Ер кодекслари бўйича ер участкалари давлат ва жамият эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши натижасида фуқароларга етказилган зарарларни қоплаш мақсадида қуйидаги компенсациялар ўрнатилган:

а) фуқароларга аввалги ер участкаси билан айнан бир хил ер участкаси ажратилиб, ер участкаси олиб берилаётган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан янги жойда уй-жой, ишлаб чиқариш бинолари ва бошқа иморатлар барпо этилади ҳамда уларга мулк ҳуқуқи берилади. Бундай ҳолларда бузилаётган уйлар (квартиралар), иморатларнинг қиймати пул билан қопланмайди;

б) фуқароларга уларнинг хоҳишига кўра яқка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаси ажратиб берилади. Ер участкаси олиб берилаётган корхона, ташкилот ва муассасалар бузилаётган уйлар, иморатлар, иншоотларнинг қийматини тўлиқ

коплаб берадилар ҳамда фуқароларга ер участкасини ўзлаштириш даврига икки йилгача муддат билан ижара шартномаси асосида вақтинча уй-жой бериш шарт;

в) фуқароларга барча қулайликлари бўлган аввалгисига тенг қийматли уй-жой майдонининг ижтимоий нормасидан кам бўлмаган сахндаги бошқа уй-жой мулк қилиб берилади. Бузилаётган уйнинг қиймати берилаётган турар жойни қийматидан ортиқ бўлса, фарқ мулкдорга компенсация қилинади;

г) юқорида кўрсатилган барча ҳолларда фуқароларга олиб қўйилаётган дов-дарахтларнинг қиймати тўланади.

Фуқаролар берилаётган компенсация миқдори юзасидан ҳар қандай ҳолларда судга эътироз билдиришлари мумкин.

Юқорида келтирилган биринчи компенсация тури бўйича ер участкаси олиб берилаётган корхона, ташкилот ва муассаса ажратиб берилган янги жойдаги ер участкасида уй-жой, бино ва иншоотларни барпо этиши ва шу давр мобайнида бой берилган фойдани тўлаганидан сўнг ер участкаси олиб қўйилиши лозим (Ер кодексининг 41-моддаси). Бундан ташқари, назарда тутилган барча компенсация турларида ер участкалари олиб қўйилиши ва янги жойга кўчиб бориш ва жойлашиш билан боғлиқ бўлган зарарларни камайтириш мақсадида ер участкалари олиб берилаётган корхоналарга қўшимча мажбуриятлар, яъни уй-жой эгасига вақтинча берилган уй-жойда яшаганлик ҳақини тўлаш, янги жойига ўз ҳисобларидан мол-мулкларни ташиб бериш ва бошқалар юкланиши мумкин.

Бизнинг рўйхатдаги учинчи компенсация тури бўйича ер участкаси олиб берилаётган корхона, ташкилот ва муассасалар фуқаролар билан келишилган ҳолда барча қулайликлари билан аввалгисига тенг қийматли уй-жой майдоннинг ижтимоий нормасидан кам бўлмаган сахндаги турар-жойни мулк қилиб беради. Бундай турар жойлар бевосита корхона, муассаса ва ташкилотлар томонидан иккиламчи кўчмас мулк бозорида сотиб олиниши мумкин. Мазкур компенсация турида алоҳида эътибор талаб этадиган ҳолат бу берилаётган турар-жойнинг сахнидир. Уй-жой кодексининг 27-моддасида ҳам “уй-жой майдонининг ижтимоий нормасидан кам бўлмаган сахндаги турар-жой” тўғрисида сўз

юритилади. Демак, турар-жой сахнининг ижтимоий нормаси нима ва у қандай белгиланган?

Уй-жой кодексининг 42-моддасининг 2-қисмига кўра, уй-жой майдонининг ижтимоий нормаси бир киши ҳисобига ўн олти квадрат метрдан кам бўлмаган умумий майдон ҳажмда, кресло аравачада ҳаракатланадиган ногиронлар учун эса-йигирма уч квадрат метрдан кам бўлмаган ҳажмда белгиланади. Айнан ушбу меъёрларга риоя этган ҳолда ер участкалари давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан уй-жойи (квартираси) бузилиши лозим бўлган фуқароларга турар-жойлар берилиши шарт. Бундай фуқароларнинг аввалги турар-жойларининг миқдори инобатга олинмаслиги керак. Бу борадаги суд амалиётига эътибор берадиган бўлсак, ҳар доим ҳам судлар қонуннинг мазкур меъёрларини инобатга олмаётганларининг гувоҳи бўламиз. Хусусан, туман ҳокимлиги судга даъво аризаси билан мурожаат этиб, уйлар жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан Ш.ни оила аъзолари билан кўчиришни сўраган. Суд даъвони қаноатлантириб, Ш.ни оила аъзолари билан бошқа уйга кўчирган. Апелляция инстанция суди ҳам ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирган. Ш.га ажратилган уйнинг умумий майдони 36,84 кв. метрни ташкил этган. Ш.нинг 9 кишидан иборат оила аъзолари учун эса қонунга мувофиқ ажратиладиган турар жой майдони 144 кв. метрдан кам бўлмаслиги лозим эди. Бу ҳолатни ишни кўрган биринчи ва апелляция инстанция судлари эътиборга олишмаган. Шу сабабли, Олий Суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати суд қарорини бекор қилиб, даъвони рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарди⁹¹. Бундай ҳолларда, қонунга кўра, ер участкаси олиб берилаётган корхона, муассаса ва ташкилотлар томонидан фуқароларга барча қулайликлари бўлган аввалгисига тенг қийматли уй-жой майдоннинг ижтимоий нормасидан кам бўлмаган сахндаги турар-жой мулк қилиб берилиши ҳамда дов-дарахтларнинг қиймати тўланиши ёхуд бузилаётган уй бошқа иморатлар, иншоотлар ва дов-дарахтларнинг қиймати тўланиши лозим. Юқорида баён этилган ҳолат бўйича ҳайъат туман ҳокимлигининг даъвосини асосли равишда рад этган.

⁹¹ Суд амалиёти. – Т.: 2002. -13 б.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ер участкалари олиб қўйилаётганда мулкдор ҳеч қандай зарар кўрмаслиги, келтирилган барча зарарлар қопланиши лозим. Мулккий ҳуқуқларни тўла ҳимоя этиш мақсадида фуқароларга қуйидагилар таъминланиши шарт: биринчидан, мулкдорга олиб қўйилган мол-мулкка тенг мол-мулк берилиши ва унинг кўрган бошқа зарарлари тўланиши; иккинчидан, кўрилган зарарлар мол-мулк олиб қўйилгунга қадар тўланиши; учинчидан, мулкдорга ўз ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя этиш имконияти таъминланиши.

Олиб қўйилаётган мол-мулк ҳисобига берилаётган компенсация усуллари ва миқдори бўйича низолар судда ҳал этилади ва низо суд томонидан ҳал қилингунига қадар амалга оширилиши мумкин эмас.

Мулк ҳуқуқини мажбурий тартибда бекор қилиш асосларидан бири мусодарадир. Ҳозирда мусодара мулкдорнинг мажбуриятлари бўйича ундирувни унинг мол-мулкига қаратиш билан биргаликда ҳақини тўламасдан, текинга амалга ошириладиган мулк ҳуқуқини бекор қилиш асосларидан бири саналади. ФКнинг 204-моддасига кўра мусодара-қонунда назарда тутилган ҳолларда мол-мулк суднинг қарорига мувофиқ жинойт ёки ўзга ҳуқуқбузарлик қилган учун ҳақ тўламасдан мулкдордан олиб қўйишдир. Мол-мулкни мусодара қилишни қўллаш учун асос бўлувчи юридик факт бўлиб ҳар доим мулкдор томонидан содир этилган ҳуқуқбузарлик сабаб бўлади. Бу ерда ҳуқуқбузарлик тушунчаси кенг маънода шарҳланиши лозим бўлиб, у жинойтда, маъмурий ҳуқуқбузарликда ёки божхона қоидаларини бузишда ҳамда фуқаролик қонунчилигини бузган ҳолларда намоён бўлади. Сўнгги йилларда, жамият ҳаётининг барча томонларини эркинлаштириш, хусусан жинойт қонунчилигини эркинлаштириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар бевосита мусодара билан боғлиқ бўлган муносабатларга ҳам таъсирини ўтказди. Жумладан, ЖКдан асосий ва қўшимча жазо тариқасида мусодара чиқариб ташланди. Эндиликда фуқароларнинг мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулклар содир этган жинойтлари учун жазо тариқасида мусодара этилмайди. Албатта, бу эътиборга молик жараён бўлиб, республикаимизни бутун дунёда эътироф этилган демократик стандартларга риоя этишга киришаётганлигидан далолат беради. Бироқ, шунинг билан биргаликда,

қонунда “махсус мусодара”, яъни жиноят буюмлари ва қуроллари, шунингдек ашёвий далилларни суд қарорлари асосида мусодара қилиш сақлаб қолинди.

Умумий қоидага кўра, мусодара суд тартибида амалга оширилади. ФКнинг 204-моддасида ҳам мусодара суд қарорига мувофиқ амалга оширилишлиги хусусида сўз юритилади. Шунинг билан биргаликда, қонунда назарда тутилган ҳолларда, мусодара маъмурий тартибда амалга оширилиши мумкин. Авваламбор, сўз маъмурий ҳуқуқбузарликлар ва божхона қоидалари бузилиш ҳоллари хусусида бормоқда. Мазкур тадқиқотда биз айнан маъмурий тартибда амалга ошириладиган мусодарага кенгроқ тўхталиб ўтамиз. Чунки, сўнгги вақтларда айнан мусодаранинг мазкур тури маҳаллий ва чет эл илмий жамоатчилигида қизғин баҳс-мунозарага сабаб бўлмоқда⁹².

Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 27-моддасига мувофиқ, маъмурий жазоларнинг бир тури сифатида мусодара-маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилиш, шу ашёнинг ҳақини тўламасдан мажбурий тарзда давлат мулкига ўтказишдан иборатдир. Шунингдек, ушбу моддада маъмурий жазо тариқасида мусодарани қўллаш ҳуқуқига эга бўлган органлар ҳам келтирилган бўлиб, улар туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси ҳамда божхона, солиқ ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш департаменти органларидир. Солиқ ва божхона органлари томонидан мусодара, қонун ҳужжатларида назарда тутилган алоҳида ҳолларда амалга оширилиши мумкин. Бундай ҳолатлар ҳам МЖТКнинг 27, 262-моддаларида бевосита келтирилган бўлиб, солиқ органлари-акциз маркалари қўйилмаган тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликлар сақланганда, реализация қилинганда, шунингдек яширин равишда ишлаб чиқарилганда, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари акциз маркаси билан маркаланмаган тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликлар

⁹² Бу ҳақда батафсил қаранг: Скрябин В. Право собственности в Республике Казахстан. - Алматы.: Жетты-жаргы, 2001. -С.194. Крысанов А. Проблемы конфискации имущества по российскому законодательству. // Юрист. -2002. - №2. -С.9-11. Голубов И.И., Неженцева А.В. Таможенные органы: конфискация без суда? // Юрист. -1999.- №10. -С.36-38.

сақланаётганда, сотилаётганда, ноқонуний ишлаб чиқарилаётганда, божхона органлари эса-акциз маркалари қўйилмаган тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилганда, транспортировка қилинганда ва сақланганда, шунингдек экспорт қилиниши ман этилган буюмлар ва маҳсулотлар Ўзбекистон Республикаси ташқарисига олиб чиқилиб кетаётган ҳолларда мусодарани маъмурий жазо тариқасида амалга оширишлари мумкин. Божхона кодексининг 186-моддаси эса бу жараёнга янада аниқлик киритиб, агар асосий ва қўшимча жазо чораси тариқасида товарларни ва транспорт воситаларини мусодара қилиш назарда тутилса, тегишли божхона органи жойлашган ердаги суд томонидан қўрилиши белгиланган.

Мулк эгасининг ҳуқуқларини умумэътироф этилган ҳар томонлама қўриқлаш тамойилига риоя этиб мажбурий тартибда олиб қўйиш қонун ҳужжатларига мувофиқ ўтказилиши шарт. Мулк ҳуқуқини бекор қилиш асосларидан бири бўлган реквизиция ҳам ФКнинг 203-моддасида кўрсатиб ўтилганидек “қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартлар асосида олиб қўйилиши мумкин”. Албатта, мазкур меъёрий ҳужжат деярли бир аср олдин, умуман ўзга сиёсий, иқтисодий-ижтимоий вазиятда яратилганлиги туфайли, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ФК ва бошқа қонун ҳужжатларига зид келмаган ҳолларда қўлланилади.

Мулқдор ҳуқуқларини кенг ва ҳар тарафлама ҳимоя қилиш мақсадида қонун ҳужжатларида бир қатор қўшимча кафолатлар ҳам назарда тутилган. Жумладан, ФКнинг 205-моддаси 2-қисмида назарда тутилган “олиб қўйилганидан мол-мулкнинг қийматини мулкдорга тўлаш баҳоси ҳақида мулкдор судга эътироз билдириши мумкин”, деган меъёр бевосита реквизиция жараёнига ҳам тааллуқлидир. Тегишли давлат органи томонидан мол-мулкнинг қийматини баҳоланишидан норози бўлган мулкдор судга эътироз билдириб, реквизиция қилинган мол-мулк учун компенсация миқдорини бевосита суд тартибида белгиланишини талаб қилишга ҳақли. “Баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 11-моддаси 2-қисмига кўра ҳам баҳолаш ўтказиш баҳолаш объектининг қиймати тўғрисида низо чиққан тақдирда, шу жумладан ... мол-мулк

мулкдорлардан давлат эҳтиёжлари учун сотиб олинаётганда ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқача тарзда олиб қўйилаётганда мажбурий эканлиги белгиланган. Бундай ҳолларда суд реквизиция қилинаётган мол-мулкнинг қийматини мулкдорга тўлаш баҳосини белгилашни профессионал баҳоловчиларни жалб этган ҳолда амалга оширади. Бироқ, таъкидлаш жоизки, мулкдорнинг даъволари суд томонидан кўрилгунга қадар реквизиция тўхтатилмайди.

Юқорида баён этилганлардан хулоса қилган ҳолда таъкидлаш лозимки, гарчи ФКда реквизицияга доир алоҳида модда назарда тутилган бўлсада, унда асосан умумий қоидалар берилган бўлиб, мазкур жараёнини барча томонларини ҳуқуқий тартибга солмайди. Бу эса амалиётда бир қатор муаммоларни пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. ФКнинг 203-моддасида ҳам реквизиция “қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартлар асосида” амалга оширилиши назарда тутилган бўлсада, ҳали ҳанузгача бундай қонун ҳужжати қабул қилингани йўқ.

ХУЛОСА

Мазкур тадқиқот ишида фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқини вужудга келиш ва бекор бўлишининг ҳуқуқий асослари бўйича олиб борилган изланишлар асосида қуйидаги хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди:

1. Тадқиқотчи томонидан хусусий мулк ҳуқуқига қуйидагича илмий таъриф берилди “хусусий мулк ҳуқуқи – хусусий мулкдорнинг ашё ёки бошқа моддий ва номоддий неъматлар устидан давлат томонидан кафолатланган ва жамият манфаатлари йўлида чегараланган ҳукмронлигидир”.

2. Фуқаролик кодексда хусусий мулк турлари субъектларига қараб таснифланиши илмий асосланган, чунки мазкур мулк шаклининг ривожланиши субъектларига боғлиқ. Амалдаги фуқаролик қонунчилигига кўра хусусий мулк қаторига фуқаролар хусусий мулки билан биргаликда барча нодавлат юридик шахсларнинг мулки ҳам киритилади. Бугунги кунда хусусий мулк ҳуқуқи ҳар қандай хусусий шахслар (фуқаролар, нодавлат юридик шахслар) томонидан амалга ошириладиган ўзлаштиришни англатувчи умумий тушунча сифатида гавдаланади.

3. Иқтисодий ҳаёт ва қонунчилик жараёнидаги ўзгаришлардан келиб чиққан ҳолда бугунги кунда фуқароларнинг хусусий мулк ҳуқуқи тушунчасига қуйидаги таъриф берилади: “Фуқароларнинг хусусий мулк ҳуқуқи амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тарзда қўлга киритган мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб хусусий тарзда эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидир”;

4. Фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқининг мазмунини ташкил этувчи эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқлари янги ижтимоий-иқтисодий воқеликдан келиб чиққан ҳолда очиб берилди;

– эгалик қилиш ҳуқуқи - мол-мулкни ўз қўлида ёки унга нисбатан ўз ҳуқуқларини амалга ошириш имкониятини берувчи жойда сақлаб туриб, мулкдорга ашё устидан хўжалик ҳукмронлигини амалга оширишнинг юридик таъминланган имкониятидир.

– фойдаланиш ҳуқуқи-ашёдан ишлаб чиқариш ёки шахсий истеъмол жараёнида унинг фойдали хусусиятларини, яъни ундан ҳосил, маҳсулот, даромад олишликнинг юридик таъминланган имкониятидир.

– тасарруф этиш ҳуқуқи-мулкдорнинг ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб ашёнинг тақдирини белгилашнинг юридик таъминланган имконияти бўлиб, ашёга нисбатан турли-хил юридик актларни содир этиш орқали амалга оширилади.

5. Мулк ҳуқуқининг тушунчасига “ўз хоҳиши” ва “ўз манфаатларини кўзлаб” мулк ҳуқуқини амалга оширилишининг киритилиши иккита муҳим муаммони ҳал этишга ёрдам беради: биринчидан – мулкдор билан мулкдор бўлмаган шахсларнинг мол-мулкка нисбатан бўлган ҳуқуқларини фарқлаш имкониятини тақдим этади; иккинчидан – мулк ҳуқуқининг мутлоқ муносабат эканлигини исбот этиб, мулкдор ўз ҳуқуқларини амалга оширишда тўла мустақил эканлигини англатади.

6. Тадқиқотда мулк ҳуқуқини вужудга келиш асослари ва усуллари мустақил маънога эгаллиги кўрсатилиб, мулк ҳуқуқини қўлга киритиш асослари бўлиб қонунга кўра шахсларда муайян мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини вужудга келишига олиб келувчи турли хил ҳуқуқ яратувчи юридик фактлар ҳисобланиши, мулк ҳуқуқини қўлга киритиш усуллари тегишли юридик фактлар асосида юзага келадиган ҳуқуқий муносабатлар эканлиги асослаб берилади.

7. Фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқининг бекор бўлиш асосларини мулкдорнинг эрки, хоҳиш-иродаси қай даражада ифода этилганига қараб мулкдорнинг эрки асосида, яъни ихтиёрий ва эрки, иродасидан ташқари – мажбурий – мулк ҳуқуқини бекор қилувчи асосларга ажратиш таклиф этилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. РАҲБАРИЙ АДАБИЁТЛАР

- 1.Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. – Т.: "Ўзбекистон", 1996. -364 б.
- 2.Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. – Т.: "Ўзбекистон", 1996. -380 б.
- 3.Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. – Т.: "Ўзбекистон", 1996. -366 б.
- 4.Каримов И.А. Бунёдкор йўлидан. Т.4. – Т.: "Ўзбекистон", 1996. -348 б.
- 5.Каримов И.А. Янгича ишлаш ва фикрлаш давр талаби. Т.5. – Т.: "Ўзбекистон", 1997. -385 б.
- 6.Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. – Т.: "Ўзбекистон", 1998. -429 б.
- 7.Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. Т.7. – Т.: "Ўзбекистон", 1999. -410 б.
- 8.Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. – Т.: "Ўзбекистон", 2000. -529 б.
- 9.Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. –Т.: "Ўзбекистон", 2001. -432 б.
- 10.Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. – Т.: "Ўзбекистон", 2002. -432 б.
- 11.Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. – Т.: "Ўзбекистон", 2003. -320 б.
- 12.Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимизга ва қатъий иродамызга боғлиқ. Т.12. – Т.: "Ўзбекистон", 2004. - 400 б.
13. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Тошкент, Ўзбекистон, 2010. 56 б.

14. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида - Т.: «Ўзбекистон», 2011 – 440 б.

15. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади // Халқ сўзи. 2012 йил 20 январь.

16. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш: 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза/ - Тошкент: Ўзбекистон, 2013. – 64

17. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик янгилаш ва модернизация қилишига қаратилган тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириш – бош мақсадимиздир. Халқ сўзи газетасининг 2014 йил 6 декабрь сони.

2. МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014 йил. -74 б.

2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси. – Т.: Адолат, 1996 йил. -557 б.

3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. – Т.: Ўзбекистон, 1998. -158 б.

4. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. – Т.: Адолат, 1998. -304 б.

5. Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодекси. – Т.: Адолат, 1998.- 224 б.

6. Гражданский кодекс Российской Федерации. Ч.1 и 2. –М.: Норма-ИНФРА, 1999. – С.350.

7. Гражданский Кодекс Республики Казахстан. Ч.1. – Алматы.: Жетты жаргы, 1995. - С.60.

8. Ўзбекистон Республикасининг Божхона Кодекси. – Т.: Адолат, 2001. — 350 б.
9. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Т.: Адолат, 2001.- 408 б.
10. Эстонский Закон о вещном праве от 23 июня 1993 г. // ПАЭ, 1994. 618, 590.
11. Германское Гражданское уложения. 1896 г. В кн: Германское право. Часть 1. Гражданское Уложения /Пер.нем. -М.: МЦФЭР, 1996. - С.460.
12. Гражданский закон Латвии. 1937 г. –В кн: Гражданский кодекс Латвийской Республике. –Спб.: Юридический центр Пресс, 2001. – С.350.
13. Гражданский кодекс Азербайджана. //Науч.ред. и предисловие Т.Б.Поляковой. - Спб.: Юридический центр Пресс, 2002. - С.350.
14. Ўзбекистон Республикасининг Гражданлик ва Гражданлик процессуал кодекслари. –Т.: Адолат, 1992. - 360 б.
15. "Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисидаги" Ўзбекистон Республикасининг қонуни. //Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 31-33-сонлар, 371-модда.
16. Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги қонуни. //Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, 1-сон, 43-модда.
17. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси. //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1998 йил, 5-6-сонлари, 82-модда.
18. Ўзбекистон Республикасининг “Дехқон хўжалиги тўғрисида”ги қонуни. //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1998 йил, 5-6-сонлари, 88-модда, 2004 йил, 2-бет.
19. Ўзбекистон Республикасининг "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги қонуни (Янги таҳрир) //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2004 йил, 1-2-сонлари, 18-модда.

20. Ўзбекистон Республикасининг "Хусусий корхона тўғрисида"ги қонуни. //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2004 йил, 1-2-сонлари, 19-модда.

21. "Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги қонуни. //Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1993 йил, 5-сон, 230-модда.

22. "Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқуллода вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 20 августдаги қонуни. //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1999 йил, 9-сон, 221-модда.

23. "Баҳолаш фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 август қонуни. //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1999 йил, 9-сон, 208-модда.

24. "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майдаги қонуни. //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2000 йил, 5-6-сонлари, 140-модда.

25. "Айрим корхоналар ва мол-мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг баъзи масалалари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 31 август қарори. //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1995 йил, 9-сон, 194-модда.

26. Ўзбекистон Республикаси Давлат нотариал идораларининг нотариуслари ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларнинг нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги қўлланма. //Ўзбекистонда нотариат. —Т.: Адолат, 97-192 б.

27. Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни ҳисобга олиш, баҳолаш ва сотиш тартиби тўғрисидаги Низом. //Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлар тўплами. 2003 йил, 1-2-сонлари, 56-модда.

28. Давлат органлари ёки ушбу органлар мансабдор шахсларининг қонунга ҳилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида фуқаролар ёки юридик шахсларга етказилган зараларни қоплашга давлат бюджети маблағлари ҳисобидан

пул тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқнома. //Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами. 2003 йил, 4-5-сон, 132-модда.

29. “Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.01.2003 йил Фармони. Халқ сўзи газетаси, 2003 йил, 28 январь.

3. ИЛМІЙ АДАБИЁТЛАР

1. Алексеев С.С. Собственность-право-социализм. - М.: Юрлит. 1989.- С.120.
2. Алексеев С.С. Частное право: Научно-публицистический очерк. –М.: Статут, 1999. –С.160.
3. Аристотель. Избранное сочинение. Т.4. - М.: Мысль, 1989.-С.530.
4. Асъянов Ш.М. Право публичной собственности. //Проблемы собственности. Сравнительное исследование. – Т.: Адолат, 1995, -С.37-53.
5. Бартошек М. Римское право (Понятие, термины, определение) М.: Юрлит, 1989.-С.562.
6. Безбах В.В. Частная собственность на землю в странах Латинской Америки (правовое регулирование). – М: Зерцало, ТЕИС, 1997. –С.208.
7. Богуславский М.М. Международное частное право. –М,: Юристь, 2000. - С. 408.
8. Бояркин Д.Д. Теории собственности. –Новосибирск.: 1994. – С.143.
9. Брагинский М.И, Витрянский В.В. Договорное право. Общие положение. М.: Статут. 2000. -С.807.
10. Братусь С.Н. Субъекты гражданского права. - М.: Госюриздат, 1991. - С.368.
11. Быков Е.Г. Личность работника и его собственность. – Спб.: Питер, 1995. – С.112.
12. Вагацума Сакаэ, Ариидзуми Тору. Гражданское право Японии (в 2-х книгах). Книга первая. - М.: Прогресс, 1983. - С.351.

13. Вердиян Г.В. Право частной собственности граждан на жилой дом. М.: Юристь, 1997. - С.89.
14. Власова М.В. Право собственности в России: возникновение, юридическое содержание, пути развития. – М.: МЗ-Пресс, 2002. – С. 170.
15. Власова Ю.И. Наследственное право Российской Федерации: общие положения, правовые основы, образцы типовых документов. //Учебно-методологическое пособие. - М.: Юрайт, 1999. - С.175.
16. Гегель Г.В. Философии права. - М.: Мысль, 1990. - С.524.
17. Гражданский кодекс Российской Федерации. Часть первая. Научно-практический комментарий. //Отв.ред. Т.Е.Абова, А.Ю.Кабалкин, В.П.Мозолин. - М.: БЕК, 1996. - С.714.
18. Гражданское и торговое право капиталистических государств. //Отв.ред. Е.А.Васильев. - М.: Международные отношения. 1993. - С.556.
19. Гражданское право России. Часть первое: Учебник. //Под.ред. З.И.Цыбуленко. - М.: Юристь, 1998. - С.464.
20. Гражданское право. В 2-х томах. Учебник. //Отв.ред. проф. Е.А.Суханов. - М.: БЕК, 1998. - С.816.
21. Гражданское право. Т.1. //Под ред. Орловского П.Е. и Корнеева С.М. - М.: Юрлит, 1969. - С.281.
22. Гражданское право. Учебник. Часть 1. // Под ред. Ю.К.Толстого, А.П.Сергеева. - М.: Теис, 1996. -С.552.
23. Гражданское право. Часть первая. Учебник. //Под ред. А.Г. Калпина, А.И. Масляева. - М.: Юристь, 1997.- С.472.
24. Гребников В.В. Институт собственности в условиях рыночной экономики и социального государство. - М.: ТЕИС, 1996. - С.118.
25. Грибанов В.П. Пределы осуществление и защиты гражданских прав. - М.: Юрлит, 1972. -С.284.
26. Гуляев А.М. Русское гражданское право. - Спб. 1907. - С.498.
27. Дернбург Г. Пандекты. Том 2. Вещное право. - Спб.: 1902. -С.364.

28. Джусупов А.Т. Право собственности и иные вещные права. -Алматы: Жетти Жаргы, 1999. -С.247.
29. Дождев Д. Римское частное право. Учебник для ВУЗов. // Под ред. В.С. Нерсисянца. - М.: ИНФРА.- НОРМА, 1996. -С.704.
30. Долинская В.В. Наследственное право Российской Федерации. – М.: ПРИОР, 2002. – С. 144.
31. Дульнева Л.А. Право собственности на жилой дом. -М.: Юр.лит. 1974. -С.56.
32. Дюги Л. Общие преобразование гражданского права со времен Кодекса Наполеона. - М.: 1926. -С.110.
33. Дюрягин И.Л. Гражданин и закон. -М.: Юр.лит, 1989. -С.906.
34. Егорев Н.Д. Гражданско-правовое регулирование общественных отношений. - Л. ЛГИ, 1988. -С.176.
35. Егоров А.М. Правовые основы частной собственности в России. Вопросы теории. - М.: Юристь, 1997, -С.167.
36. Жариков Ю.Г., Масевич М.Г. Недвижимое имущество: правовое регулирование. Научно-практическое пособие. -М.: БЕК, 1997. -С.265.
37. Зайцева Т.И., Крашенинников П.В. Наследственное право. Комментарий законодательства и практика его применения. – М.: Статут, 2001. – С. 288.
38. Зинченко С.А., Бондарь И.С. Собственность - свобода - право. Ростов - на – Дону.: Фонд РГУ, 1995. -С.160.
39. Зокиров И.Б. Становление и развитие советского гражданского права в БНСР и ХНСР. – Т.: ФАН, 1988. – С. 281.
40. Зокиров И.Б. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи. – Т.: Адолат, 1996. – 296 б.
41. Зокиров И.Б., Баратов М.Х. Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати. – Т.: Адолат, 1998. – 48 б.
42. Ибратов Б. Тадбиркорлик ҳуқуқи. -Т.: Молия. 2001, -268 б.

43. Иқтисодиёт назариясидан атамалар ва тушунчалар (тузувчилар А.Қ. Қодиров, А.М. Турсунов). – Т.: ТДТУ, 2000. – 108 б.
44. Ильин И.А. Путь к очевидности. -М.: 1993. -С.434.
45. Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясига шарҳлар. -Т.: Адолат, 1999. -80 б.
46. Камышанский В.П. Право собственности: пределы и ограничение. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2000. – С. 303.
47. Комментарии к Гражданскому кодексу Российской Федерации части первой (по статейный) Изд. 2-е, испр. и доп. //Рук. авт. колл. О.Н.Садилов. - М.: КОНТРАКТ: ИНФРА, 2003. - С.940.
48. Коновалов А.В. Владение и владельческая защита. – Спб.: Юридический центр Пресс, 2002. – С. 337.
49. Конституция зарубежных государств. – М.: БЕК, 1996. – С. 159.
50. Коршунов Н.М. Дом в личной собственности. – М.: Сов. Россия, 1991. – С. 141.
51. Лазар Ян. Собственность в буржуазно правовой теории: Пер с нем. – М.: Юрлит, 1985. – С. 192.
52. Марткович И.Б. Жилищное право: закон и практика. – М.: Юрлит, 1990. – С. 319.
53. Масевич М.Г. Основание приобретение право собственности на бесхозяйные вещи // Проблемы современного гражданского права. Сб. статей. Под ред. В.Н. Литовкина, В.А. Рахмиловича. – М.: Городец, 2000. – С. 173-191.
54. Маттеи У., Суханов Е.А. Основные положения права собственности. –М.: Юристь, 1999. – С. 384.
55. Мозолин В.П. Право собственности в Российской Федерации в период перехода к рыночной экономике. – М.: Юрлит, 1993. – С. 175
56. Новые Конституции стран СНГ и Балтии. Сборник документов. Вып.2. – М.: Юрайт, 1998. – С. 672.

57. Основные институты гражданского права зарубежных стран. Сравнительно- правовое исследование. // Под ред. В.В. Залесского. – М.: НОРМА, 1999. – С. 648.
58. Переход к рынку. Концепция и программа. – М.: Архангельское, 1990. – С. 229.
59. Право и собственность в Республике Казахстан. – Алматы.: Жетты жаргы, 1998.- С. 285.
60. Право собственности в условиях совершенствование социализма. – М.: Звенигород, 1989. – С. 126.
61. Правовые основы и перспективы осуществление частной собственности в России. -М.: ТЕИС, 1995. -С.85.
62. Проблемы собственности. Сравнительное исследование. – Т.: Адолат, 1995. – С. 181.
63. Раҳмонкулов Ҳ.Р. Мажбурият ҳуқуқи. – Т.: ТДҶОИ, 2005. – 329 б.
64. Раҳмонкулов Ҳ.Р. Олди-сотди шартномаси. – Т.: Адолат, 2000. – 176 б.
65. Раҳмонкулов Ҳ.Р. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. – Т.: Иқтисод ва ҳуқуқ дунёси, 1997. – 504 б.
66. Раҳмонкулов Ҳ.Р. Фуқаролик ҳуқуқининг предмети, методи ва тамойиллари (ўқув кўлланма). – Т.: ТДҶОИ, 2003. – 49 б.
67. Раҳмонкулов Ҳ.Р. Хусусий мулк ва тадбиркорлик. – Т.: Адолат, 2001. – 28 б.
68. Раҳмонкулов Ҳ.Р. Хусусий мулк ва унинг дахлсизлиги. – Т.: Адолат, 2000. – 84 б.
69. Раҳмонкулов Ҳ.Р.Эволюция развития права собственности. // Проблемы право собственности. Сравнительное исследование. – Т.: Адолат, - 1995. – С. 8-36.
70. Римское частное право. // Под ред. проф. И.Б.Новицкого и проф. И.С. Перетерского. – М.: Юриспруденция, 2000. – С. 512.

71. Российское гражданское право. Учебник. // Под ред. З.Г. Крыловой, Э.П. Гаврилова. – М.: Учебно-консультационный центр Юринфор, 1999. – С. 95.
72. Рубанов А.А. Проблемы совершенствование теоретической модели право собственности. // Развитие советского гражданского права на современном этапе. – М.: Юрлит, 1986. – С. 95-120.
73. Рўзиназаров Ш.Н. Бозор шароитида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш тузилмаларининг фуқаролик-хуқуқий мақоми. // Масъул муҳаррир Ҳ.Р. Раҳмонкулов. – Т.: Адолат, 1997.
74. Скворцов О.Ю. Защита права собственности в судебной арбитражной практики. – М.: 1997. – С. 114.
75. Скловский К.И. Собственность в гражданском праве. – М.: Дело, - 1999. – С. 512.
76. Скловский К.И. Собственность в гражданском праве. – Ставрополь.: 1994.- С. 243.
77. Скрыбин В. Право собственности в Республике Казахстан. –Алматы.: Жетти-жаргы, 2001. – С.320.
78. Собственность в экономической системе России. // Под ред. В.Н. Черковца, В.М. Кулькова. – М.: ТЕИС, 1998. – С. 556.
79. Суханов Е.А. Лекции о праве собственности. – М.: Юрлит, 1991.- С. 240.
80. Суханов Е.А. Российский закон собственности. Научно-практический комментарий. – М.: БЕК, 1993.-С. 62.
81. Толстой Ю.К. Понятия права собственности. Сб.: Проблемы гражданского и административного права. –Л.: ЛГУ, 1962.- С. 48- 85.
82. Усмонов М.Б. Ер ва қонун. – Т.: Адолат, 1994. – 159 б.
83. Ўзбекистон Республикасининг мулкчилик тўғрисидаги қонунига шарҳлар. // Масъул муҳаррир Ҳ.Р. Раҳмонкулов. – Т.: Адолат, 1994. – 128 б.
84. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи (II-қисм). // Ҳ.Р. Раҳмонкулов в И.Б. Зокировларнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Адолат, 1999. – 559 б.

85. Хвостов В.М. Система римского права. Учебник. – М.: Спарк, 1996. – С. 522.
86. Хохлов С.А. Право собственности и другие вещные права.// Гражданский кодекс России. Проблемы. Теория. Практика: Сборник памяти С.А. Хохлова. Отв. ред. А.Л. Маковский. Исследовательский центр частного права. – М.: МЦФЭР, 1998. – С. 480.
87. Шерстобитов А.Е. Право собственности граждан и другие вещные права как формы удовлетворения их потребностей. // Понятийный аппарат науки советского гражданского права и процесса и терминология законодательных актов. – Тверь, 1991. - С. 27-35.
88. Шкредов В.П. Экономика и право. – М.: Экономика, 1990.- С. 287.
89. Шомухамедова З.Ш. Рим хусусий ҳуқуқи. Дарслик. // Масъул муҳаррир Ҳ. Раҳмонкулов. – Т.: Консаудитинформ, 2002. – 186 б.
90. Щенникова Л.В. Вещные права в гражданском праве России. -М.: БЕК, 1996.- С. 186.
91. Эволюция договорного права. // Под ред. д.ю.н., проф. Х.Р. Рахманкулова. – Т.: Мир экономики и права, 1997. – С. 119.
92. Экономическая теория: Учебное пособие. – Т.: ТГТУ, 1998. – С. 275.